

Таҳририятга келаётган ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқишида ва кўп ҳолларда уларнинг ижобий яқун топишида бевосита ёрдам бераётган Бош прокуратура ҳамда вилоят прокуратуралари органлари ходимларининг хизматлари катта.



...жиноий гуруҳ жами 4,4 млрд. сўмлик дон маҳсулотларини чиқим ҳужжатлари асосида ва 26,4 млн. сўмлик галлани гўёки "намликнинг камайиши" ҳисобига чиқим қилиб, 1,2 млрд. сўмлик бугдойни турли йўллар билан нақд пулга сотиб юборади.



Mustaqillik huquq demakdir

# НУҚУҚ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz)

2011-yil 14-aprel, №15 (744)

Бош прокуратурада

## Комиссия йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия раиси Бош прокурор Рашитжон Қодиров бошқарган мазкур йиғилишда вояга етмаганлар виждон эркинлигининг таъминланиши, уларга диний таълимдан сабоқ бериш тартибига риоя қилиниши, улар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш борасидаги ишлар аҳоли, шунингдек, ушбу масала юзасидан Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди.

Мажлисида таъкидланганидек, мамлакатда баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган комплекс дастурлар доирасида вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини кучайтириш, улар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш борасида мақсадли тадбирлар ўтказиб боришмоқда.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, илғим ва ахлоқий савиясини ошириш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар томонидан таълим муассасалари, прокуратура, ички ишлар органлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 17 миңдан зиёд ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилган.

Таълим муассасаларида илғор педагогик технологиялар асосида ўқитилётган "Одобнома", "Ватан туйғуси", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Дунё динлари тарихи", "Диншунослик", "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" каби фанлар ва махсус курслар ўқувчи ёшлар ўртасида сохта диний ғоялар ва ақидапарастликка қарши мустаҳкам тафаккурни шакллантиришда ўзининг самарасини бермоқда.

Шу билан бирга, айрим таълим муассасаларида бу борадаги таълим-тарбия ишлари самарали ташкил этилмаганлиги, ўқувчилар мавзуга оид дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, буклетлар ҳамда курғазмали плакатлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни ташкил этишдаги баъзи нуқсонлар танқид қилинди.

Йиғилишда мутасадди идоралар томонидан вояга етмаганлар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал қилиш, йўл қўйилаётган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва ушбу масалада масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси вазифасини бажарувчи О.Юсуповнинг ҳисоботи тингланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН,  
МУСТАҚИЛ ВАТАН!



# Мустақиллик — огоҳлик демак!

Ҳеч бир инсон Ватандан ташқарида бахт-саодат топа олмайди. Ўз юртида обрў-эътибори бўлмаган инсон ўзга юртда ҳам қадрланмайди. Эҳтимол, "Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртинга гадо бўл", деган нақд шунинг учун айтилганмир?!

Ҳар кимнинг ўз хонадони, уй-жойи, ўз она юрти нақадар қадр-қимматли эканлигини ўзга юртга сафарга, яшашга борган билади. Буюк мутафакир Бобур Мирзо, Фурқат ва бошқа бобокалонларимизнинг ўзи туғилиб ўсган Ватанларидан узоқда, кучли соғинч билан яшаганлари, она юрт тупроғини, унда ўсган мева-ларни кўзларига тўтиё қилганлари, юрт ишқиди изтироб чекканлари барчага аён.

Толеъ йўке,  
жонимга балолоғ бўлди,  
Ҳар ишники айлодим,  
хатолиғ бўлди.

Ўз ерни қўйиб,  
Хинд сори юзландим,  
Ё Раб, нетайин,

Не юз қаролиғ бўлди...  
Бу Мирзо Бобурнинг қалб  
тубидан қўйилиб келган дард-  
фарёд.

Инсондаги энг олий туйғу Ватан туйғусидир. Ўзи туғилиб-ўсган она юртини жон қадр севадиган, ўзга юрт табиатидан ўз юрти табиатича-лик завқ ололмайдиган, диёридаги катта-кичик ютуқлардан фахрланадиган, бутун ақл-заковати, қалб кўри, куч ва имкониятини шу замин гўзаллиги, ривожига бахшида этолган инсондагина бу туйғу намоён бўлади.

Мустақиллик — бу Ватанни ҳимоя қилиб, Ватан дея фидо бўлган Тумарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро сингари юзлаб шерюраларни

эслашдир. Томирида охириги қони қолгунча душманга қарши курашган Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Қурбонжон Додхох, Намозбодир сингари бўйсунмас баҳодирларнинг, қулликдан ўлимни афзал билган Оқ масжид, Чимкент, Авлиёта, Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Зирабулоқ химоячиларининг номини ёдга олишдир.

Мустақиллик — бу мустамлака тузумига қарши бош кўтарган Тошкент, Жиззах, Андижон кўзғолончилари, Дуччи эшон хотирасини унутмасликдир.

Мустақиллик — бу зулм-истибоддан қутулиш учун халқни маърифатли бўлишга чорлаган, миллий уйғонишга даъват этган, наҳот илмда, бирликда ва ҳаракатда, деб билган фидойи зиёлиларни, уларнинг раҳнаомалари бўлмиш Мунаввар Қори, Махмуд-хўжа Бехбудий, Авлоний, Фитратларнинг номларини доимо ёдга сақлашдир.

Мустақиллик — бу ўтган асрнинг йигирманчи-ўттинчи йилларида халқимизга қарши уюштирилган қатағонларда қамоқ ва сургун азобларини бошидан кечирган ва ҳалок бўлган Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари миңлаб миллат ўғлонларини унутмасликдир...

Ҳа, мустақиллик ана шу қурбонлар эвазига бунёд

Нилуфар НИЁЗОВА,  
«Нуқуқ»

этилди. Ватан эрки, мустақиллиги ва озодлиги йўлида қурбон бўлганларни абадий эслаш, хотирлаш ҳар бир кишининг халқ, миллат, Ватан олдидаги инсонийлик бурчидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Ватан тушунчаси ўзгача мазмун касб этди. Коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган давлатда бу улуг туйғу бетайин мазмун ва шаклга эга бўлиб, халқ онгига мантисиз қараш сингдирилган эди. Тугилиб-ўсган ер учун, миллат учун, ўз миллий қадриятлари гуллаб-яшнаши учун фидойи ватанпарвар киши "миллатчи" сифатида қораланар ёки қатагон қилинарди. Тарихимизга бир назар ташласак, ўтган асрнинг саксонинчи йиллардаги "Пахта иши" широри остида турли ваҳшийликлар билан миллатимизнинг асл фарзандлари қамоққа олинди. Халқимизни тили, дини, маданияти, урф-одатлари, анъаналаридан мусово қилишга ҳаракатлар бўлди. Лекин ҳақиқий миллатпарвар, ватанпарвар инсонлар қандай шароит, вазият бўлишидан қатъи назар, асрлар давомида шаклланиб келган қадриятлардан юз ўгирмадилар, уларнинг авлоддан-авлодга ўтиб бориши, умрбоқийлигини таъминлаш учун курашдилар.

/Давоми 12-бетда/

Обуна — 2011  
Ҳурматли юрtdошлар!

2011 йилда ҳам  
"НУҚУҚ" газетаси Сизнинг  
энг яқин ҳамкорингиз  
бўлиб қолади.  
Газетамизга барча  
почта бўлимларида  
обуна бўлишингиз мумкин.  
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!



НАШР ИНДЕКСИ — 231

# Осойишталигимиз ишончли қўлларда

Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган онданок Ўзбекистон армиясига — ўзбек Куролли Кучларига асос солинди. Қачонлардир ҳарбий техникани бошқаришга "лаёқатсиз" деб қаралган ўзбек йигитлари бугун нималарга қодир эканлигини намойиш қилмоқда.

Яна ўша 18 йил бурун ўтган тарихга қайтайлик. Ўзбекдан чиққан зобитлар бармоқ билан санарли эди. Бугунги армиямиз таркибига бир назар солинг, кейин айтасиз ўзбек йигитларидан чиқаётган командирлар қанчалик қатъиятли ва ёвқурлигини, нималарга қодирлигини!

Дунёда тинчлик-хотиржамликдан ҳам олий неъмат борми?! Ана шу осойишталикни

таъминлаб келаётган Куролли Кучларимизга бугунги кунда бўлган ишонч, яратилаётган шарт-шароитлар бу соҳанинг нақадар эътиборда эканидан далolatдир.

Биргина 2005 йил 1 ноябрь куни амалга киритилган "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муқаддас ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор сарҳадларимиз мустақамлиги ва ислохотларнинг жадаллашувида айна муқддао бўлди.

Қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон Куролли Кучлари сафида муқаддас ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга республика Олий



ўқув юртига киришга тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдориди қўшимча балл шаклидаги имтиёз берилдики, бу ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Шунингдек, қарорда, "ҳарбий қисм кўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ

танлов давомида (тест синови) керакли балл тўплай олмаган муқаддас ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқитишнинг педагогика, қишлоқ ҳужалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади", дея кўрсатилгани, аскарларнинг келгусида танлаган ихтисос-

Абдурахим ХУСАНОВ,  
Наманган ҳарбий прокурори

ликлари бўйича Олий ўқув юртига киришлари учун хизмат жараёнида ҳафтасига белгиланган соатда қўшимча машғулотлар ўтказилиши ҳам қувонарли ҳолдир.

Ҳарбий қисмга таширлар жараёнида, тадбирлар ҳақида муқаддас ҳарбий хизматни ўтаётган мард жангчилар билан суҳбатлашиб, ўқув, амалий машғулотларига назар ташлаб шунга амин бўлдикки, уларнинг қадамлари қачоқ, юраги қайчоқ, билалари куч-қувватга тўла. Ва-танга муҳаббат ва садоқат билан камол топаётган ёшлари мизни кўриб, қалбларимиз ифтихорга тўлади.

## Тамагирининг жазоси

"Кишини қандайлигини билмоқчи бўлсанг, мансаб бериб кўр", деган нақл тўғри айтилган экан. Неъмат Тулаев 2010 йил 12 февралдан Нуробод туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори вазифасини вақтинча бажарувчи лавозимига тайинланди. Ишонч банд-пастини ўрганиб олган раҳбар марказга бош ҳисобчи тайинламоқчи бўлди. Бўлғуси ҳисобчи билан олдиндан келишиб ҳам олди. "Ишга олишинг ўзига яраша чиқими бор, агар шунга рози бўлсангиз сизни ишга оламан", деди. Шундан сўнг А.Дўстовни бош ҳисобчи лавозимига тайинлаш ҳақида вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғига тавсиянома тақдим этиб, бошқарманинг буйруғини чиқариб олишга эришди. Шу куннинг ўзида у А.Дўстовдан 500 минг сўм пул олди.

Шундан сўнг, Н.Тулаев ходимларни ишга қабул қилиш учун уларнинг мавқега қараб пул ола бошлади. 2010 йилнинг 12 август куни М.Тўқсановани кас-сир этиб тайинлаш ҳақида бўйруқ чиқарди. Эвазига 120 минг сўм олди.

Вақтинча директор август ойининг ўзида яна бир ходимни ишга олмоқчи бўлди. Тўғривоғи, шу марказда ишловчи собиқ кассир С.Жўраевани ҳуқуқ маслаҳатчиси вазифасига ишга қабул

Шухрат ТОШТЕМИРОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратураси  
бўлим бошлиғи

қилди. Эвазига 200 АҚШ доллари беришни сўради. С.Жўраева бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар қилди. "Пулни қачон олиб келасиз?", деб сўрайверган Н.Тулаев охири-оқибат ниятига етди. У ўз хизмат хонасида С.Жўраевадан махсус ишлов берилган 200 АҚШ долларини олди. Аммо бу пуллар унга хар галгидек қувонч олиб келмади. Аксинча, уни суд залига етаклади.

Суриштирув ишлари давомида гал-вир сувдан кўтарилгач, Н.Тулаевнинг бошқа кирдикорлари ҳам очилиб қолди. У марказ ишчи-хизматчиларининг ойлик маошидан ҳам "юлиб" қолаётган экан. Масалан, марказнинг меҳнат инспектори С.Эргашевнинг март, апрель ва май ойларидидаги иш ҳақидан 30 минг сўмдан олиб қолган бўлса, Б.Номозовдан март, апрель ойларидида 50 минг сўмдан, май ойидида эса 80 минг сўмдан ушлаб қолган.

Амал курсини ўзинча осон пул топиш манбаи деб тушунган Неъмат Тулаевнинг хом хаёлларига барҳам берилди. Суд ҳукми билан тегишли жазосини олди. Бундан қандай хулоса чиқариш унинг ўзига ҳавола.

## Бурччини унутганлар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбур эканликлари кўрсатилган. Минг афсуслар бўлсинки, ҳаётда шундай ота-оналар борки, боласининг тарбияси билан шугулланиш у ёқда турсин, ҳаттоки улар ўз фарзандини гўлақлигидан буён кўрмаганлар.

Ф. ТУРДИЕВ,  
Учкудук туман прокурори

шугулланиш ўрнига спиртли ичимликка ружу қўйиб, уйдан чиқиб кетган. Шу сабабли, туман прокуратурасининг вояга етмаган М.Крупскаянинг манфаатларини кўзлаб киритган даъво аризасига биноан Н.Саидова оналик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Маргарита эса бугунги кунда давлатимизнинг гам-хўрлигидан баҳраманд бўлиб, меҳрибонлик уйида тарбияланмоқда.

Мамлакатимизда ёш авлод тарбияси ва унинг келажаги давлат муҳофазасида. "Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради".

Ота-она дунёга келтирган фарзанди тақдирини унинг ўзида бурч ва масъулият ҳиссини унутса, қонун олдида жавобгар бўлади.

Учкудук туман прокуратураси томонидан вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган назорат тадбирлари давомида айрим ота-оналар ўзларининг фарзандларини олдидаги бурчларини бажармасдан, уларни қаровсиз қолдирганликларини аниқланган. Бунга вояга етмаган Ангелина Ши-

ринбекованинг отаси Вячеслав Ширинбековни мисол қилишимиз мумкин. У фарзандининг моддий таъминоти ва тарбияси билан умуман шугулланмаганиги сабабли туман прокуратурасининг даъво аризасига қўра суд томонидан олдида ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Худди шундай, фуқаро Наталья Саидова туман ҳокимининг 2008 йил 6 ноябрдаги қарорига асосан 2007 йилда турилган Маргарита Крупскаяни фарзандликка олган бўлса, унинг моддий таъминоти ва тарбияси билан

Президентимизнинг ташаббуси билан тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилиши ва мустақамлигини эътиборга олиш зарур бўлди. Мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий секторнинг салмоғи орттириш баробарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кўпайиб, сифати яхшиланаётган. Яна бир муҳим жиҳати, янги иш ўринлари яратилди. Ўзбек ишбилармонлари дунёнинг илғор мамлакатлари бизнесменлари билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришмоқда.

## Ҳаракатда баракат

Ж. ЮЛДАШЕВ,  
Риштон туман прокурори ёрдамчиси

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисидаги "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир" номли маърузасида иқтисодиётдаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Асосий вазифалардан бири — бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруриятини ўқитди. Давлат идораларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини яна чеклаш, солиқ тизимини такомиллаштириш, тадбиркорларга имтиёзларни кенгайтириш масалаларига эътиборни қаратди. Ҳўжалик фаолияти билан машғул субъектларга қўлланадиган жазо чораларини қайта кўриб чиқиш, фаолиятнинг айрим вазифаларини кўрсатиб берди.

Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорлик субъектларининг эркинлигини таъминлашга йўналтирилган қонун ва норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилди. Айниқса, "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармоннинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоялаш тизимидида алоҳида ўрин тутди. У тадбиркор билан давлат назорати органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, унинг мазмун-моҳиятини яхши билиб олган тадбиркор энди назоратчи билан бемалол қонун тилида гаплашади. Фармондаги муҳим жиҳатлардан бири — тадбиркорлик субъектларига фақат суд орқалигина қўлланадиган мумкин бўлган ҳуқуқий таъсир чораларининг доираси белгилаб қўйилди. Хусусан, фаолиятни тугатиш ва ҳуқуқбузарлик предметидаги давлат даромадига ўтказишга доир ишларнинг барчаси, шунингдек, молиявий санкцияларни қўллаш ва банкдаги ҳисоб варакалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, лицензиялар (рухсатномаларни) иш кунидан кўпроқ муқаддас тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишни тугатиш ва бекор қилиш ҳақидаги ишлар (белгиланган айрим истиснолардан ташқари) суд томонидан ҳал қилиниши қонунлаштирилди. Таъкидлаш керакики, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашнинг судлар ишти-

ёрига берилиши адолатли қарор чиқариш, тадбиркорлар манфаатини самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Судда томонларнинг тенг ҳуқуқлиги ва тортишув тамойилнинг мавжудлиги назорат идораси вакили зиммасига катта масъулият оқлайди. Асосий айбловларга чек қўяди. Прокуратура органлари зиммасига тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини бузганликлар ва қонуний манфаатларига путур етказганликлари учун назорат идоралари мансабдор шахсларига нисбатан жиноий жавобгарликка тортишгача жазонинг муқаррамлигини таъминлаш, бу борадаги қонун ва қонуности ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини назорат қилиш вазифаси юклатилди.

Туман прокуратураси тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижросини таъминлаш борасида мунтазам иш олиб бормоқда. Юртбошимчи томонидан эълон қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ишбилармонлар ҳавола этилган имкониятларни тасарруф этишди. Ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш қорхоналарининг сони кўпаймоқда.

Шу йил бошидан буён туман прокуратураси томонидан 14 та фермер ҳўжаликлари манфаатларини кўзлаб судга 9,2 млн. сўмлик даъво аризалари киритилди. Фуқаро Ф.Қодировнинг туман ҳокимлиги ҳузурдаги инспекция томонидан тадбиркор сифатида рўйхатга қўйилиши ва иш бошлаши, "Азиз Элбек Нодир Хабибулло" фермер ҳўжалигига "Класс комбинатор" русумли комбайн сотиб олиши учун 25 млн. сўм кредит ажратилиши борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, прокуратура аралашуви билан хусусий тадбиркор Д.Солиевга 12 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Хулоса қилиб айтсак, кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги мавқеи ортиб ва мустақамлиги бораётгани туманимиз мисолида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Ҳаракатда баракат, деганларидек, бирон бир ишни бошлаш ёки иш доирасини кенгайтиришга интиланлар учун зарур шарт-шароитлар муҳайё этилмоқда.







# Ҳамкорликдан мамнунмиз

Бугунги кун учун бироз эскироқдек туюлиши мумкин бўлган, қадимдан алоқа воситаси ҳисобланган ёзишмалар тури ҳозирги кунда замонавий техниканинг илғор имкониятлари билан ўрин алмашгандай, гўё. Яқин ўтмишимиздан, қадимдан ҳам маълумки, ёзишмалардан айнан хат ва мактублар узокни яқин қилиш, қон-қариндош, дўсту биродарларнинг олдидан туриб айлдорлашувидан катта аҳамият касб этган... Тараққиётнинг шахдам одами туфайли бу восита билан ёнма-ён ҳолда шахарларро сўзлашув воситаси бўлмиш симли телефонлар икки-уч дақиқага бўлса-да, овозларни эшиттириш орқали соғинчларга таскин бера олди.

Маъмура ДУСИЯРОВА,  
"Нуқуқ"

ортиқ мурожаатлар худди мана шундай муаммоларни ақс эттирган бўлиб, улар иш ҳақини ўз вақтида ололмаслик, кам таъминланган оила сифатида моддий ёрдам пулларини олишда ёрдам бериш, касалликлар буйича гуруҳ ногиронлиги ҳусусида дуч келинаётган муаммоларни адолатли кўриб чиқиш қабил ҳолатларда ёрдам сўраб қилинган мурожаатларни ташкил этади. Қонунда белги-ланганидек, тахририят ҳам келиб тушган ариза ва шикоятларни тегишлиликка кўра валоклатли орган ёки идораларга юборишни таъминлаган бўлиб, Республика Бош прокуратурасига 52 та, Қашқадарё вилоят прокуратурасига 6 та, Самарқанд вилоят прокуратурасига 5 та, Хоразм вилоят прокуратурасига 6 та, Жиззах вилоят прокуратурасига 5 та, Фаргона, Сурхондарё ва Тошкент вилоят прокуратураларига 4 тадан, қолган вилоятларга 1 та ва 2 тадан аризалар кўриб чиқиш учун жўнатилди.

Келинг, сўзимизнинг исботи сифатида айрим шикоят хатлари ҳусусида тўхталиб ўтсак. Жорий йилнинг январь ойида Боёвут тумани Т. Латипов СИУ, "Жўлангар" маҳалласи фуқаролари номидан маҳалладаги электр симёғочларининг яроқсиз аҳволга келиб қолганини ва бунинг оқибатида юз бераётган муаммолар ҳусусида шикоят-ариза келиб тушди. Ариза тегишлиликка кўра Боёвут туман прокуратураси томонидан таҳлилий текширувдан ўтказилди.

— Текширишда "Жўлангар" маҳалласи фуқароларининг 2010 йил 25 февраль кунги Боёвут ТЭТК бошлиғи номига ёзган аризаси асосида Боёвут ТЭТК томонидан маҳаллада яроқсиз ҳолга келган симёғочлар ўрнига 21 донга темир бетон устунлари ўрнатилганлиги ҳамда симёғочлардаги АС-35 маркали силларни янги ўрнатилган темир бетон устунларига ўтказиш ишлари олиб борилаётганлиги аниқланган.

Текшириш натижасига кўра, "Жўлангар" маҳалласи фуқароларини электр энергияси билан таъминлашда суст-кашликка йўл қўйган, ўз хизмат вазибаларини лозим даражада бажармаган Боёвут ТЭТК ходимларининг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш ҳамда қонунбузилиш ҳолатларининг келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Боёвут ТЭТК бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Шунингдек, "Жўлангар" маҳалласида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари тамомланиб, маҳалла фуқаролари уз-луқсиз электр энергияси билан таъминланди, — дейди Боёвут туман прокурори М.Бекмурзаев тахририятга берган жавоб хатида.

Фаргона вилояти Қўқон шаҳри, Навоий маҳалласида И.Султонова ҳам шаҳар газ ва электр тармоқлари корхонаси

ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларига нисбатан тегишли чора кўрилишини таъминлашда ёрдам беришни сўраб, тахририятга ариза билан мурожаат қилган.

— Фуқаро Л.Султонованинг бу ҳақдаги аризаси юзасидан муқаддам Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, тегишли прокурор назорат ҳужжатлари қўлланган. Аниқланишча, А.Навоий мазсидида 66, 67, 68, 69-кўпқаватли уйларида 2010 йилнинг декабрь ойида газ таъминоти пасайиб кетганлиги боис, фуқаролар электр орқали иситиш ускуналаридан фойдаланиб келганилиги ҳамда қурилмадаги "рубильник", "ПН сақлагич" (юклама), транспорт шиллик ва кабеллар қўйиб кетганлиги оқибатида электр энергияси таъминотида носозликлар келиб чиққан. Бир вақтинг ўзида шаҳарда белгиланган истеъмол миқдори ортиб бориши ҳисобига энергосистеманинг автоматик ўчириш ҳимояси "УОН-1,2,3" погонасига киритилган. "Л-Чархий — 1, 2" 110/6 кВли нимстанциялар орқали маълум муддатта мажбурий чеклашлар амалга оширилиши натижасида электр энергияси таъминотида узиллишлар юзага келган. Шу сабабларга кўра мурожаатда кўрсатилганидек, жорий йилнинг 24 январидан ҳамда 11, 27 ва 28 февраль кунлари ҳаво линиялари ўчган пайтда энергия таъминотида узиллишлар юзага келган ва аризага сабаб бўлган.

Прокуратура аралашувидан сўнг юқорида кўрсатилган носоз кабеллар юқори кучлиликли кабелларга алмаштирилиб, юқори кучлиликли трансформаторларнинг ҳам ички қисмлари янги юқори қувватли электр узатиш қурилмалари билан алмаштирилгандан сўнг мунтазам равишда фақат "Л-Чархий-1, 2" 110/6 кВт ҳаво линияси орқали маълум муддатли чекланишлардан ташқари узиллишларга чек қўйилди. — дейди Фаргона вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Д.Қурбоннинг тахририятга берган жавоб хатида.

Ушбу аризалар қаторига кўпқаватли уйлари капитал таъмирдан чиқариш ишлари борасида аҳоли норозилигига сабаб бўлаётган ҳолатлар ақс эттирилган шикоят хатларини ҳам киритиш мумкин. Жумладан, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 15-мавзе, 19-уйда иттикомат қилувчи маҳалла кўмитаси раиси Г.Хашимованинг "Муस्ताқил коммуналчи" ҳусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати раиси П.Артиковнинг ўз хизмат ваколатини суиестемол қилганлиги ва бу борада ҳусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати Ассоциацияси раҳбарияти томонидан юқорида тилга олинган ўйни капитал таъмирлашга оид тегишли чора-тадбирлар қўрилмаётганлиги ва бошқа қонунбузилиш ҳолатлари буйича ёзган аризаси юзасидан Юнусобод туман прокуратураси текшириш ўтказди.

"...Туман прокуратурасининг П.Артиков фаолияти устидан ўтказган текширувида аниқланишча, 2007 йил 23 апрелдан 2010 йил 1 июлгача у раислик

қилган даври мобайнида ўз хизмат ваколатини суиестемол қилиб, касса операцияларини юритиш тартибини бузган ҳолда фуқаролар томонидан коммунал хизматлар учун ширкатга тўланган нақд пул маблағларини кирим қилмадан, ўзлаштириш орқали талон-торож қилган. Шунга кўра ширкатнинг молиявий-ҳўжалик фаолияти устидан ўтказилган текширув натижаларидан фуқароларнинг умумий миқдордаги 4 млн. 860 минг 920 сўм пул маблағлари ўзлаштирилганлиги маълум бўлди.

Ширкат молиявий фаолиятининг текширувига қадар П.Артиков ўз жиноятларини яшириш мақсадида "Муस्ताқил коммуналчи" ҳусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати молиявий ва бухгалтерия ҳужжатларини қасддан йўқ қилган...

"Муस्ताқил коммуналчи" ширкатда ўтказилган текширув натижаларига кўра 2011 йилнинг 15 январидан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "а" банди, 205-модданинг 2-қисми "в" банди ва 227-модда 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилган.

Ширкат аъзолари П.Артиков томонидан келтирилган моддий зарарни ундириш мақсадида 2011 йил 14 мартда фуқаролар талаби билан Юнусобод туман прокуратураси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судига 4 млн. 860 минг 920 сўм маблағни мажбурий ундириш бўйича даъво аризаси киритилган.

"Муस्ताқил коммуналчи" ҳусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари Ассоциацияси фаолияти устидан ўз вақтида, лозим даражада назоратнинг таъминланмаганлиги учун Юнусобод туман прокуратураси томонидан туман ҳокимиятига тегишли тартибда тақдимнома киритилди.

...Текширув натижаларига кўра мурожаат этувчи Г.Хашимова яшаётган 19-уй Юнусобод туман ҳусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари Ассоциациясининг 2011 йил 3-чорагида капитал таъмирлаш режасига киритилган", — дейилди Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев имзоси билан олинган жавоб хатида.

"Шикоят нега ёзилади?" деган саволни кўп эшитамиз, кўп ёзамиз. Юқорида келтириб ўтилган аризалар юзасидан берилган жавоб хатларида ушбу саволга жавоб топишимиз мумкин. Ҳа, шикоятлар, аризалар ёзилмади, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида мурожаат қилаверишади. Тахририятга келаятган ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқишида ва кўп ҳолларда уларнинг ижобий яқун топишида бевосита ёрдам бераётган Бош прокуратура ҳамда вилоят прокуратуралари органлари ходимларининг хизматлари аҳамиятли. Сўзимиз исботи сифатида "Нуқуқ"нинг 10-сонидан прокуратура аралашуви билан муаммоларни қонуний ҳал этилган фуқароларининг миннатдорчилиги билдирилган мактубларини айтиб ўтишимиз мумкин.

Техника асри бугунга келиб, кенг-қамровли имкониятларини намоён этар экан, хат ва мактуб қатори ўз нарбатида симли телефон алоқасини ҳам рақобатда бироз ортда қолдиришга эришди. Айниқса, бугунги кун ёшлари хат ёзишдан фойдаланмай қўйганили сир эмас. Ҳаммамизга маълум бўлган тараққиёт техникаси ёхуд техника тараққиёти туфайли бир зумда, ҳеч қанча муддат талаб қилмайдиган, тўғридан-тўғри мулоқот имконини берган кўл телефонлари бунга ўрин қолдирмади. Хат ёзиш қоғоз ва қалам орқали эмас, бевосита унга ўрнатилган тугмали харфлар орқали, керак бўлса тасвирлар билан дунёнинг исталган жойига алоқа ўрнатиш билан амалга ошмоқда. Шундай бўлса-да, бизга маълум бўлган мурожаат усулида билалайтган ариза ва шикоятлар ёхуд тақлиф ва фирм-мулоҳазалар айнан хат орқали манзилларига етказилади. Шу ўринда, бугун хат ёзиш ариза ва шикоятлар учун ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида таъкидланганидек, "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, мусассасаларга ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга"дир. Худди шунингдек, "Нуқуқ" тахририяти ҳам жорий йилнинг шу кунига қадар 520 дан ошмироқ хат олди. Шулардан 282 таси турли мақола ва фирм-мулоҳазалар, 123 таси турли ёзишма-

лар бўлса, 118 таси юқорида айтганимиздек хат орқали тахририятга келиб тушган ариза ва шикоятларни ташкил этади.

Ариза ва шикоятлар фуқароларимиз ёхуд юридик шахслар томонидан ўзларининг бузилган ҳуқуқлари юзасидан қилинган мурожаатлардан иборат бўлиб, турли мазмундаги муаммо ва камчиликларни ақс эттиради. Масалан, алимент пулини ололмаслик, кўрилган ишлар буйича суд қароридан норозилик ёхуд суд томонидан кўрилган иш бўйича чиқарилган суд қарорини ололмаслик, ер-жой ажратиш, шунингдек, ўй-жой масаласида нотариал идораларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик ҳолатлари ариза ва шикоятлар мазмунини ташкил этаётганини кўриш мумкин.

Сўнгги пайтларда фирибгарлик ва ундан жабр кўрганлар тақдирини ҳақида бот-бот эшитамиз. Худди шу муаммодан жабр кўрганлар фирибгарларга тегишли чора кўрилишини сўраб, воқеа тафсилотларини баён этган ҳолда мурожаат қилишади. Масалан, Сурхондарё вилояти Денов туманидан фуқаро А.Ражабов, Фаргона вилояти Қўқон шаҳридан Т.Мадумаровларнинг аризалари шулар жумласидандир.

Маълумки, ҳаёт ҳаммага бирдек яшаш ҳуқуқини беради. Аммо яшаш жараёни ҳамма учун турли хил вақтни тақозо этади. Бу даврда кимдир қарил қаштини суриши, яна кимдир ўқий-ша-ишга кириши лозим бўлади. Айни мана шу дамларда қандайдир тушунмовчиликлар, камчиликлар ва муаммоларга дуч келинади. 20 дан



Миннатдорчилик мактуби

## Иш билан таъминлашди

Биз Ҳўжайли туманидаги 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" битирувчилари Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига ишга жойлаштиришда амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилган эдик.

Мурожаатимиз Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. Яъни, бизнинг Кўнғирот Локомотив депосига қарашли 51-сонли цехда тепловоз таъмирловчи слесар бўлиб ишга жойлаштиришда амалий ёрдам берилди.

Шунинг учун биз Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳамда Орол бўйи транспорт прокуратураси ходимларига "Нуқуқ" газетаси орқали каттадан-катта раҳмат айтиб, ўз миннатдорчилигимизни билдирмадик.

М.Жуманиязов, У.Сағиндиков,  
Ҳўжайли туман 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" битирувчилари



# Давлат назорати

## унинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги ўрни

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш, жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш амалга ошириладиган ислохотларнинг энг асосий йўналишига айланди. Муҳтарам Юртбошимиз Исроил Каримов алоҳида таъкидлаб ўтганларидек: "Жамият ҳаётини шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қондаларини янги-ча асосла ўзгартириш, барча соҳаларда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кўп тартибга чиқади".

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини, айниқса, давлат ҳокимияти органларининг назорат-таҳлил фаолиятини демократлаштириш ва тақомиллаштириш ана шундай муҳим эҳтиёждир.

Жаҳон давлатчилик тарихи шуни кўрсатадики, давлат органлари фаолиятининг самарали амалга оширилиши тўғриси ташкил этилган назорат ҳолатига боғлиқ бўлиб келган. Шу сабабдан давлат бошқаруви муаммоларини ўрганган олимларнинг кўпчилиги давлат органларининг назорат функциясини бошқаруви фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг асосий омилли сифатида кўриб чиққанлар.

Хусусан, қадимги Шарқ мутафаккири Конфуций (э.р. ав. 551-479 йй.) давлат фаолиятида ҳукмдор ҳар доим назорат олиб бориши лозимлигини, мазкур ҳолат давлат барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларининг бири эканлигини таъкидлаб ўтган ҳолда, "Бошқарув — бу тузатиш ва тўғрилаш илми бўлиб, бошқарётганинда дам олишни, ҳордиқ чиқаришни унут", деган фикрларни ёзиб қолдирган.

Шарқ давлатчилик тарихида ўчмас ўз қолдирган Низомулмулк (1018-1092 йй.) ҳам ўзининг "Сийёсатнома" асарида давлат раҳбарларини ҳар доим халқнинг турмуш тарзи, давлат хизматчиларининг фаолияти устидан назорат олиб боришга чақирган. Хусусан, Низомулмулк давлат раҳбарларининг бу борадаги фаолияти ҳақида шундай ёзиб қолдирган: "Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додига бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Муҳим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агар подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки мартаба уларнинг сўзларини эшитида ва золимларнинг жазосини беради, деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар оқибатини ўйлаб, қўрқиб халққа зулм қилмайдилар".

Ўзбек давлатчилиги тарихидан ҳам маълумки, давлат органлари томонидан чиқарилган қонун ҳужжатларининг ижроси ҳар доим ҳукмдорларнинг диққат эътиборида бўлиб келган. Хусусан, жаҳон давлатчилик тарихида машҳур бўлган Амир Темур ўзининг "Тузуклари"да қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлашнинг асосий усули уларга бир хилда риоя қилинишини таъмин-

лаш эканлиги хусусида куйидаги фикрларини ёзиб қолдирган: "Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтиргандан сўнг, дўсту душман билан муомалада бир текис йўл тутдим. Кимни ранжитган бўлсам, эҳсону иномлар билан кўнглидаги хафагарчиликларни чиқардим ва мартабала-рига қараб имтиёзлар бердим".

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз асарларида давлат бошлиқларини ҳар доим эл-улус аҳолини назорат қилиб боришга, халқ ҳолидан оғоҳ бўлишга даъват этади. Алишер Навоийнинг давлат бошқаруви бўйича оғоҳликка даъват қилган куйидаги фикрлари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди:

Эрусен шоҳ,  
агар оғоҳ сен-сен,  
Агар оғоҳ сен-сен,  
шоҳ сен-сен.

Ўрта аср Фарб мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашларида ҳам давлат органлари фаолиятида назорат функциясини амалга оширишнинг зарурлиги ҳақида қўллаб-қўллаган билдирилган. Хусусан, ўзининг "Ҳукмдор" асари орқали сиёсатшунослик ва бошқарув фанларининг ривожига катта ҳисса қўшган Николло Макиавелли (1469-1527 йй.) давлат бошлиқларида қилган мувожазатида давлат бошқарувида ҳар доим борлиқдаги фактларга мувожазат қилишга ундайди. Николло Макиавелли ҳар доим давлат раҳбарлигига уларга етказилаётган ахборотларни қийсий ҳолда таҳлил қилиб бориш лозимлигини билдирган ҳолда, "Ҳақиқийлик мезони тажрибадир. Ҳукмдорга хабар етказувчи шахсларнинг асосий вазифаси фактик маълумотларга таянган ҳолда тарихий тажриба асосида нарсаларнинг ҳақиқий ҳолатини баён қилишдир", деб фикр билдирган.

Шарль Луи Монтескье (1689-1755 йй.) ўзининг "Қонунлар руҳи ҳақида" номи асарида давлат органлари фаолиятида халқ ҳокимиятини таъминлаш учун ҳокимиятнинг учта тармоғи бир-бирини тийиб туриши ва шу орқали халқ давлат ҳокимиятини назорат қилиши зарурлиги ҳақидаги фикри илгари сурган.

Сиёсатшунослик, бошқарув ва ҳуқуқий фанларнинг жадал ривожланиши муносабати билан бугунги кунда давлат органларининг назорат-таҳлил фаолияти мазмуни ҳақида турлича фикрлар мавжуд.

Ижтимоий бошқарув назариясида назоратга бошқарув-

нинг муҳим функцияси сифатида ёндашилади. Кенг маънода олиб қараганда, давлат назоратининг мақсадига: давлат конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, давлат бошқарув тизимида самарадорликни ошириш, давлат тузумининг барқарорлигини ушлаб туриш, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мос келишини таъминлаш, мансабдор шахсларнинг фаолиятини қонунга мувофиқ тартибда ташкил этиш, булардан ташқари, давлатнинг бутун мазмурий-ҳудудда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва ўрнатиб қабилар киради.

Ҳуқуқшунос олим А.Тарасовнинг фикрига кўра, назорат фаолиятининг мақсади — назорат остидаги орган, ташкилот ва муассасанинг фаолиятини амалдаги ҳолати билан кўзланган ҳолатини таққослаш ҳисобланади. Яъни бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини, мазмурий фаолиятнинг мақсадга мувофиқ ҳамда қонунийлик тамойилларига риоя этилганлигини текшириш амалга оширилади.

Ўз навбатида, В.Бессарабовнинг фикрича, давлат назоратининг асосий мақсадини — қарор ва ижронинг ягоналигини таъминлаш ҳамда давлат ҳокимиятининг ижро интизомини мустаҳкамлаш, қўллаётган ҳато ва камчиликларни бартараф этишлар ташкил этади.

Давлат органларининг назорат-таҳлил фаолиятини моно-

график даражада тадқиқ қилган олимлардан А.Яблонскаянинг фикрича, давлат органларининг назорат-таҳлил фаолияти тарихий, сиёсий ва бошқа факторлардан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимиятининг асосини ташкил қилувчи йўналиш ҳисобланади.

2010 йилда ИИВ Академиясида профессор С.Одилқориев ва Б.Қосимовнинг умумий таҳрири остида нашр қилинган "Мазмурий ҳуқуқ" дарслигида баён қилинишича: "Давлат бошқарув фаолиятининг муҳим йўналиш ҳисобланган назорат фаолияти натижасида назорат субъекти мавжуд ишларнинг ҳақиқий аҳоли, қабул қилинган қонунлар, қарорларнинг ҳақиқатан ҳам тўғри бажарилиш ҳолати, даражаси тўғрисида аниқ ахборотга эга бўлади.

Назорат фаолияти ўзининг мазмунига кўра назорат объекти фаолияти жараёнида қабул қилинган бошқарув қарорларига мувофиқлигини кузатиш ва текшириш, субъектнинг объектага таъсири натижаларини аниқлаш тизимидир...

Давлат назоратининг асосий вазифалари куйидагилар ҳисобланади:

— тегишли фаолиятни тартибда солуви қонун ва қонунга ҳужжатларига оғимшай амал қилинишини таъминлаш;

Аббосхон САНГИНОВ,  
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари тингловчиси

— назорат остидаги органларда қабул қилинадиган қарорларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш;

— соҳага оид бошқарув, ташкилий, амалий фаолиятнинг умумий самарадорлигини ошириш;

— ишни самарали ташкил қилиш борасидаги камчиликларни ўз вақтида олдини олиш, аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

— тегишли ходим ва хизматчиларнинг хизмат интизомини, масъулияти ва жавобгарлигини ошириш

Бунга ўхшаш фикрни ҳуқуқшунос олим З.Исломов ҳам билдирган бўлиб, унга кўра, "қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш таъсирчан чораларнинг мавжудлиги" ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришнинг асосий принципидан бири ҳисобланади.

Юқоридаги олимларнинг фикрларига ҳурмат билан ёндашган ҳолда, назорат фаолиятига хос бўлган асосий унсур(элементлар) бўйича куйидаги фикрларни билдириш мақсадга мувофиқ деб топилди:

— Биринчидан, назорат фаолияти давлат бошқаруви ва ҳокимият органларининг ўз фаолиятини амалга ошириши

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузлик, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг куйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамга кўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДҚДҚК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадарь вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мувожазларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича бари тўман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

# Ободлик кўнгилдан бошланади

**Атроф-муҳитни тоза ва озода, саранжом-саришта туттиш ҳар биримизнинг экологик маданиятимизга боғлиқ. Экологик маданият аслида халқимизнинг азалий қадриятларида мужассам. Бу эзгу аъёнлар бардаволигини таъминлаш эса барчамиздан масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам, ўзим чиққан тепа омон бўлсин, деб фақат хонадонимизни, ён-атрофимизни саранжом-саришта қилиш билангина чекланиб қолмаслигимиз керак.**

Ўзбек халқининг шундай шуқули қадриятлари борки, уларнинг энг аввали-ю олийси ҳашардир. Миллатимиз шаънига зийнат бўлгулик ушбу қадрият истиқлол йилларидан бошлаб йилдан-йилга сайқал топмоқда. Бу халқимизнинг саранжом-саришталик, ободончилик йўлидаги ишларига ҳамоханг, илҳомбахш омил бўлмоқда. Табиатан яратувчи халқимиз атрофни саранжом-саришташ, яшнатиш учун энг шимариб, дала-даштва, кўча-ю боғларга йўл олади.

Бундай тadbир асосан Наврўз байрами арафасида ташкиллаштирилиб, ҳашар кунлари турар жой бинолари, мактаблар, академик лицей, коллежлар, корхона, ташкилот ва муассасалар атрофлари тозаланиб, ободонлаштирилади, суғориш тармоқлари тартибга келтирилади. Кўча ва йўл четларида мева, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилиб, кенг қўламда кўкаламзорлаштириш тadbирлари амалга оширилади. Боғларга ишлов берилиб, дарахтларнинг таналари оқланади.

Чунки Наврўз халқимизнинг авайлаб, сақланиб, сайқалланиб келаётган азалий қадрияти, катта байрами. Инсон боласи борки, тўй қиладиган бўлса ёки байрам арафасида, энг аввало, уйини, ҳовлисини саранжом-саришта қилади, остонасини, йўлакларини суғуриб-сидиради. Узи ҳам ювенил-тараниб, янги ёки тоза кийимларини кийиб олади. Чунки меҳмон кутиш, тўй ва байрамларни ўтказиш инсоннинг энг эзгу тўйгули билан боғлиқ. Бундай пайтда одамнинг кўнгилдан губор кўтарилади, дили яйрайди.

Муस्ताқиллик йилларида Қарши шаҳри, унинг кўча ва хиёбонлари мутлақо янгича, замонавий қўриниш касб этди. Аслида бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Қаршини обод ва кўркам шаҳарга айлантириш муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов вилоятимизга биринчи раҳбар бўлиб келган пайтдан бошланган эди. У киши иқтидорли



курувчи ва меъморларни тўплаб, Фарғона водийсининг Андижон, Наманган, Кўкон ва Марғилон сингари шаҳарларига юбориб, у ерда миллий услубда бунёд этилган биноларни кўриб, уларнинг лойиҳасидан андоза олиб келишлари учун топширик бергандилар. Шундан сўнг Қаршида миллий ва замонавий меъморчилик услубидаги қатор бинолар қад кўтарди. Шаҳримизнинг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан бу ерда шунчалик даражада катта ўзгаришлар, янгиланишлар бўлди, кўркам турар жой ва маъмурий бинолар қурилдики, санаб адоғига етмайсан, киши. Шаҳарда қурилган кўпқаватли уйлар, коллеж ва лицейлар, маъмурий иншоотлар, ҳашаматли спорт саройлари — барча-барчаси янгича қўринишда, шаҳар кўрмига кўрк кўшиб, кўзни қувонтиради. Албатта, бунинг ўзи бўлмайди, унинг ортида қурувчи ва лойиҳачиларимизнинг тинимсиз меҳнати, мислсиз заҳматлари ётибди.

Юқорида санаб ўтганим, биргина Қарши шаҳридаги ўзгаришлар, янгиланишларни вилоятимиз, қолаверса, мамлакатимиз миқёсида тасаввур этсак, муस्ताқиллик йилларидаги одимларимиз нақадар залворли эканлиги яққол намоён бўлади. Бу шубҳасиз, жондан азиз истиқлолимиз меваси. Сизини айтганда, мамлакатимизнинг барча гўшаларида бугун мустақил юрт келажакни қуриш йўлида тинимсиз ҳаракат қилинмоқда. Фидойи юртдошларимиз ҳар



жабҳада меҳнат қилиб, юрт ривожига ривож, кўрмига кўрк қўшмоқдалар. Шундай кезларда ҳар бир юртдошим билан фахрлангинг, юрт ҳақида тўлиб-тошиб ижод қилгинг келади.

Хайрон қоласан киши, нега ҳамюртларимиз ҳар доим ҳам саранжом-саришталикка эътибор бераверишмайди?! Ахир, нега биз инсонлар ўзимиз яшаётган, ўзимиз ҳавосидан нафас олаётган атроф-муҳитни ифлослантираямиз? Ўзимиз ҳам шу табиатнинг бир бўлагимиз-ку, ахир. Буюк бобоми Абу Али ибн Сино атроф-муҳит омили — тупроқ, сув ва ҳаво ўртасида боғлиқлик борлиги ҳақида сўз юритиб, ўзаро "Экологик бирлик" гоясини илгартирган. Атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сувнинг ифлосланиши инсоннинг маънавий камолотига, руҳий покзаллигига, жисмоний бақувватлигига ҳамда ирсиятига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаган.

Қанчалик ободонлаштирилётган, кўкаламзорлаштирилётган бўлмасин, Қарши шаҳрида ҳам мақолада таъкидлаб ўтилган салбий ҳолатларни тез-тез учратишимиз мумкин. Эски шаҳардаги бозор олдига ва шаҳар марказидаги 5-мактаб бўлими "Шарқ эиқори" китоб дўкони рўпарасига пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ер ости йўли қурилган эди. Ҳозир бозор олдидегисининг бир томонига тўсиқлар қўйилиб, пулли ҳожатхонага айлантирилган бўлса, иккинчиси ташландик ҳолатда ётибди. Ваҳоланки, иккала ерости йўли ҳам машиналар ниҳоятда серкатнов бўлган йўлдан пиёдаларнинг хавф-хатарсиз ўтишлари учун қурилган эди. Автотранспорт воситалари кун сайин кўпаяётганлиги тўғрисида одамларнинг йўлни кесиб ўтишлари янада қийинлашмоқда.

Бундан 7-10 йиллар олдин шаҳардаги 3-миттатуман 15-уйнинг орқасида "Нуристон" маҳалла гузари қурилиши учун ер ажратилиб, бу тўғрида шаҳар ҳокимлигининг қарори чиққан эди. Ҳокимлик маҳалла гузари қуриб беролмади, маҳаллада эса бунча маблағнинг ўзи йўқ. Бир тadbиркор

ўша ерда маиший хизмат уйи қуриш ва маҳалла гузари учун ҳам уч-тўртта хона ажратиш таклифи юзасидан собиқ маҳалла раиси билан шаҳар ҳокимининг ҳузурига кирган. Шунда ҳоким "Қурадиган иморатингизни маҳалланинг балансига ўтказиб берсангиз, майли қуриш, бўлмаса йўқ", деб жавоб берибди. Шундан сўнг кўп ўтмай аҳолининг нозилигига қарамасдан айна ўша ерда чиқиндиҳона қуришди. Ундан анқиган бадбўй хиддан атрофдагилар уйда ўтиролмади. Уша ерда яшовчилар "Маҳалла гузари ўрнига чиқиндиҳона" сарлавҳаси остида газетада мақола ҳам чиқаришди. Аммо бу билан ҳеч нарса ўзгаргани йўқ.

Ободлик — бунёдкорлик, тозариш, энг аввало, кўнгилдан, руҳиятдан бошланади. Кундан-кунга чирой очаётган шаҳримиз, маҳалламиз, қишлоғимизнинг мафтункор қиёфаси, ҳар қадамда амалга оширилаётган қурилиш ишлари, кенг ва раво йўллари-миз файзу шуқудан завқлана билишимиз, уни янада обод қилишимиз ва кўркамлаштиришимиз лозим. Менга нима, бу менинг уйимми, маҳаллам ёки шаҳримми-дими тозаллигига эътибор берсам, деб лоқайдлик қилиш кўргуликларнинг бошлиниши аслида.

Чунки иқлимимиз иссиқ, Ёзда ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, оддийгина гигиенекоридаларга риоя қилмаслик, саломатлигимизга эътиборсизлик, лоқайдлик, чиқиндиларни тўғри келган жойга тўкиш турли юкүмли касалликларнинг авж олишига сабаб бўлади. Қаердаки, чиқиндилар бертартиб сочилиб ётса, у ердан файз-барака кетади. Қолаверса, атрофга таралаётган ёкимсиз хид ҳар қандай кишининг кўнглини беҳузур қилади. Пок, тоза жойга фаришталар келади, деб бежиз айтмаган отабобларимиз.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон генофондини қуритадиган, очикчасига айтадиган бўлсак, эркаклар белуштлигига сабаб бўладиган аммиак, фенол, метан, ис гази сингари моддалар саратон, вироли гепатит ва бошқа юкүмли касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Энг ачинарлиси, кўпчилик ҳолларда чиқиндиларни жойлаштириш ва хавфсиз йўл билан йўқотиш ўрнига жонни қойитмай, уларни осонгина ёкиб юбориш маъқул қўрилмоқда (бу усул чикимсиз бўлганлиги учун кейинги йилларда тез-тез та-

Норбўта ҲОЗИЕВ,  
«Huquq»

ропланадиган бўлиб қолди). Теварак-атрофни ифлослантираётган, сувга чиқинди тўкаётган ёки уни ёқаётган кимсаларни кўрсак ҳам уларга танбех бериш, бу ишни ножиоз эканлигини тушунтиришни ўзимизга эп кўрмаймиз. Ута лоқайд ва беларвоимиз. Шулар ҳақида ўйлайману бир донишманднинг "Душманларингдан кўркма — нари борса, улар сени ўлдиришлари мумкин. Дўстларингдан кўркма — нари борса, улар сенга хиёнат қилишлари мумкин. Бефарқ, лоқайд одамлардан кўрк — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва беларво қараб туриши тўғрисида ер юзиде хиёнат ва қўтилишлар содир бўлаверади", деган гапи ёдимга тушаверади.

Ўзбек хонадонларида азал-азалдан аёллар эрта саҳарда туриб, кун чикмасдан ҳовли ва кўчаларни суғуриб-сидириб, атрофга файз киритишган. Бироқ тўпланган чиқиндилар тўғри келган жойга эмас, ҳовлида тайёрлаб қўйилган ўрага тўкилиб, усти ёпилган ёки тупроқ билан беркитилган. Тўкилган барг-ҳазонлар ҳам шу ўраларга кўмилган. Уларнинг чирини натижасида ер катламнинг унумдорлиги ошган. Оқар сувга ёки тўғри келган жойга туфлаш, чиқинди ташлаш айб саналган.

Инсон — табиат фарзанди. Уларни бир-бирдан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Шу тўғрисида биз истаимизми-йўқми, табиат бизга ўз таъсирини ўтказида. Ўз навбатида инсон ҳам унга муайян таъсир ўтказиб боради. Аммо ушбу таъсир зуғумга айланиб кетмаслиги зарур. Зеро, табиатга зуғум эмас, меҳр керак. Бепарволигимиз, табиатга, унинг табиий бойлиқларига бемеҳрлигимиз сабабли бугунги кунда ҳақоннинг катта-кичик 40 та давлати сув етишмаслигини бошидан кечирмоқда. Ер юзидеги 6 миллиард аҳолининг 1,2 миллиард тоза ичимлик сувига муҳтож. 2,3 миллиард эса антисанитария ҳолатидаги сувдан фойдаланмоқда. Африканинг баззи жойларида одамлар чўққ сув топиш учун бир кунда ўртача 5 соат вақт сарфлайди. Ҳайвонот ва наботот оламининг қўлгина турлари йўқ бўлиб кетаяпти ёки кескин камайиб кетгани сабаб "Қизил китоб"га кири тилаяпти. Бу сиз ва биз учун оғоҳлик кўнғироғи эмасми, азизлар!





# Халқ ризқини қийганлар



**Юртимиз истиқлолга эришгач, Ватан тараққиёти ва эл фаровонлиги йўлида муҳим ўрин тутган аграр соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳукуратимиз томонидан босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ галла мустақиллигига эрилди. Йилга бободоҳқонларимиз томонидан миллионлаб тонна сифатли галла маҳсулотлари етиштирилиб, бозорларимизнинг тўкин-сочинлиги таъминланмоқда. Аммо ана шу дон маҳсулотларини ўз манфаати йўлида талон-торож қилаётган мансабдор шахслар ҳам афсуски учраб турибди.**

**Б**унга мисол тариқасида "Жиззахдонмаҳсулотлари" ишлаб чиқарувчилар акциядорлик уюшмасининг бошқарув раиси лавозимида ишлаб келган Темур Ёхудовни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) келтиришимиз мумкин. Очигини айтганда, Темур Ёхудов мазкур лавозимга ўтиргач, анча-ини хаволаниб кетди. Бунинг натижасида ишларида камчилик ва хатолар кўпайди. Алалоқибат дастлабки хатоси учун ҳудудий прокуратура органлари томонидан тегишли тартибда огоҳлантирилди. Халқимизнинг "Тулқининг тавбасидан кўрк, мугомбирнинг кўз ёшидан", деган мақоли Темур Ёхудов сингари кишиларга айтилган экан. Унинг тавбаси ёлғон бўлиб чиқди. Акс ҳолда, жиноятга қўл урармиди.

Хусусан, у "Жиззахдонмаҳсулотлари" уюшмасининг кўп миқдордаги мулкларини ўз манфаатлари йўлида ўзлаштириш мақсадида жиноий гуруҳ тўзди. Бу гуруҳга ўз измига бўйсунувчи корхона элеватор цехи, уюшманинг кўриқлаш хизмати, "Дўстликдонмаҳсулотлари" ОТАЖ элеватор цехи масъул шахсларини жалб этди.

Жиноий гуруҳ бошида турган Темур Ёхудов тез орада ноқонуний топшириқларга тайёргарлик кўра бошлади. Маълум бўлишича, корхонанинг элеватори бошлиги, омухта ем цехи ombори мудиридан, "Пахтакор дон қабул қилиш шохобчаси"дан, "Наврўз-С" фермер ҳўжалигидан, "Зомин дон" МЧЖдан ва бошқалардан жами 96,9 минг тонна бугдой донини Темур Ёхудов ўзининг жавобгарлигига қабул қилди.

Мазкур бугдойдан 1,2 млрд. сўм қийматидагисини сотиб юбориш тўғрисида кўрсатма беради. Биринчи бажарилган ишдан тушган мазкур пул маблағларини жиноий гуруҳ ўртасида тақсимлайди. Ана энди улар бу жиноятни яшириш йўллари биргаликда ахтара бошладилар. Ниҳоят, бу масала тўла-тўқис ечимини топди. Яъни, асл ҳисоботларга гўёки шунча миқдорда бугдойни қолдиқда мавжудлиги ҳақида сохта маълумотлар киритишди.

Дастлабки тушумдан руҳланган жиноий гуруҳ аъзолари, янада зўр иштиёқ билан навбатдаги "иш"га қўл уришади. Бу сафарги топшириққа кўра, "Дўстликдонмаҳсулотлари" жамиятининг элеватор цехи бошлиги лавозимида ишлаган даврида Б.Маминов, собиқ элеватор цехи бошлиги М.Бегиловдан 708,6 млн. сўмлик, "Арнасой дон қабул қилиш шохобчаси" мудирини Н.Холовдан 182,6 млн. сўмлик, "Жиззах ун" МЧЖ ombор мудиридан 5,5 млн. сўмлик, жами 896,9 млн. сўмлик дон маҳсулотларини ҳақиқатда қабул қилмаган бўлса ҳам у кириб қилинганлиги тўғрисида сохта ҳужжатларни расмийлаштиради.

Шу билан бирга, жиноий гуруҳ юқорида тилган олинган бошқа жамиятлари билан бирга жами 4,4 млрд. сўмлик дон маҳсулотларини чиқим ҳужжатлари асосида ва 26,4 млн. сўмлик галлани гўёки "намликнинг камайиши" ҳисобига чиқим қилиб, 1,2 млрд. сўмлик жуда кўп миқдордаги бугдойни турли йўллар билан нақд пулга сотиб юборади. Сотувдан тушган пуллар эса таомилга кўра ўзаро тақсимланаверган.



"Иш" бажарилгандан кейин жиноий гуруҳ аъзолари М.Бегиловнинг жавобгарлигида бўлган 708,6 млн. сўмлик 9,2 минг тонна бугдой маҳсулоти камомadini яшириш мақсадида юк хатларига жамият раиси орқали лабораторга гўёки бугдойни сифат кўрсаткичларидан намуна олганлик тўғрисида имзо қўйдиради. Сўнгра, қабул қилинган дон маҳсулотлари тўғрисида сохта ҳужжат ва ҳисоботлар тузиш орқали сотилган дон ўрнини қоллайдилар.

Сохта ҳужжат тайёрлашнинг ҳадисини олган Темур Ёхудов, "Арнасой дон қабул қилиш шохобчаси" мудирини Н.Холов ва бошқалар бу галги талон-торожда янгича усул қўллашади. Ўзлаштирилган 182,6 млн. сўмлик бугдой маҳсулоти камомadini яшириш учун "Арнасой дон қабул қилиш шохобчаси"дан "Дўстликдонмаҳсулотлари" жамияти элеватор цехига чиқим қилинганлиги тўғрисида ҳисоботларига сохта ёзувлар киритади. Бунда улар жамият раиси ҳамда кўриқлаш бўлими бошлиги орқали жамиятнинг қоровуллари ва бошқаларга гўёки дон маҳсулотлари "Дўстликдонмаҳсулотлари" жамияти элеватор цехига олиб қирилганлиги тўғрисида имзо қўйдирадидилар. Кейин жамиятнинг кириш дарвозасида қоровуллар томонидан юритиладиган кириш китобига ҳам қойилмақом тарзда кайд қилдиради. Ўз ўрнида жамият лаборантларига товар-транспорт ҳисоботларига кўрсатилган бугдойни сифат кўрсаткичларидан намуна олганлик тўғрисида, шу цехда норасмий тарозибонларга дон маҳсулотларини қабул қилганликлари тўғрисида имзо қўйдириш орқали сохта ҳужжат ва ҳисоботлар тикишади.

Вақт ўтгани сайин Темур Ёхудовнинг жиноий тажрибаси ортиб бораверди. Энди у юқоридаги каби ишлар билан чекланиб қолмай, бошқача усуллари ҳам қўллаш бошлади. Бунда Темур Ёхудов Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги "Бюджет билан ҳисобкитоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1504-сонли Фармонининг 5-банди талабларини ҳам бузишга ҳазм этди. У мансаб мавқеини суистеъмом қилиб, "Жиззахдонмаҳсулотлари" уюшмасининг 2517-сонли автокорхона олдидаги кўрсатилган транспорт хизмати учун юзга келган 5 млн. сўмлик кредиторлик қарздорлигини,

"Саттор-К" ишлаб чиқариш фирмаси ҳисобига ўтказиб бериш тўғрисида ноқонуний равишда уч томонлама шартнома тўзди. Ўз ҳисоб рақамидан ушбу пул маблағларини учинчи шахс ҳисобланган "Саттор-К" ишлаб чиқариш фирмаси ҳисобига ўтказиб, солиқ идоралари томонидан молиявий жарима ҳисобланиши оқибаотида, уюшма манфаатларига 10 млн. сўмлик кўп миқдорда зарар етказди.

Бундан ташқари, Темур Ёхудов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, "Пахтакор дон қабул қилиш шохобчаси"га тегишли бўлган 5 млн. 142 минг сўмлик "Хитачи" русумли юк ортиш тракторини ҳеч бир ҳужжат расмийлаштирмасдан ўзга бир фуқарога бериб юборади. Бу ҳам етмагандай, 2003 йил июнь-июль ойларида Жасур исмли таниши орқали "Дўстликдонмаҳсулотлари" ОТАЖга 120 минг дон ва "Галлаорол дон қабул қилиш" МЧЖга 46 минг дон, илгари ишлатилган ун қопларини ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан келтиради. Шундан сўнг ўзининг жиноий ҳаракатларига қонуний тус беришга ўтади. Бунда Темур Ёхудов "Жиззахдонмаҳсулотлари" уюшмаси таркибида мустақил фаолият юритувчи субъект ҳисобланган "Зомин дон қабул қилиш" МЧЖ мансабдор шахсларига тазйик ўтказиб, АТ "Қишлоққурилиш-банк" (собиқ "Галлабанк" АТ) Жиззах бўлимидан йиллик 36 фарз устама тўлаш шарт билан, 1 йил муддатга 30 млн. сўмлик кредит маблағларини олдиртиради. Ушбу маблағларни "Фреко Сам" хусусий фирмаси ҳисоб рақамига ун қоплари олиш учун ўтказдириб, гарчи қоплар олинмаган бўлса-да, "Зомин дон қабул қилиш" МЧЖга 187,5 минг дон 30 млн. сўмлик қоплар олинганлиги тўғрисида ҳужжатларни расмийлаштиради. Шу орқали жамиятга ажратилган кредит маблағини фоизи билан тўлаттириб, жамиятнинг 43 млн. сўмлик мулкни ўзлаштириб юборади.

Темур Ёхудов юқоридаги сингари "Жиззахдонмаҳсулотлари" уюшмаси таркибидаги мустақил фаолият юритувчи субъект ҳисобланган "Бахмалдон" МЧЖга ҳам қоп ва ип зарурияти бўлмаса-да, жамият мансабдор шахсларига тазйик ўтказиш йўли билан АТ "Қишлоққурилиш-банк" Жиззах бўлимидан қурилиш ашёлари, инвентарлар сотиб олиш ва автохизмат тўлови учун йиллик 38 фоиз устама тўлаш шарти

**Р.ЖУМАНИЯЗОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма АМИБ  
терговчиси  
**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**  
"Huquq"

билан 9 ой муддатга 50 млн. сўм кредит маблағлари олдиради. Ўз навбатида, Темур Ёхудов амалидан фойдаланиб, жамият мансабдор шахсларига кредит маблағларини мақсадсиз равишда турли фирмаларга ҳар хил хизмат кўрсатиш ва анжомлар олиш учун ўтказиш ҳақида топшириқлар беради. Аммо Темур Ёхудов бу билан чегараланиб қолмайди. У "Бахмалдон" МЧЖнинг мансабдор шахсларига яна тазйик ўтказиб, жамият билан "Комета Голд" хусусий фирмаси ўртасида 16 млн. сўмга 100 минг дон қоп ва 23,5 млн. сўмга 5 тонна ип олиш тўғрисида шартнома тўздиришга эришади. Оқибатда, жамиятга давлат буюртмалари асосида ҳўжалиқлардан дон маҳсулотлари харид қилиш учун марказлашган ҳолда бюджет ҳисобидан ажратилган мақсадли пул маблағидан жами 34,5 млн. сўмини "Комета Голд" хусусий фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборади. Эвазига 16 млн. сўмлик 100 минг дон қоп ва 23,5 млн. сўмлик 5 тонна ип олинганлиги тўғрисидаги ҳисоб варагини расмийлаштиради. Шундан 12,8 млн. сўмлик 80 минг дон қоп ва 18,8 млн. сўмлик 4 тонна ип, жами 31,6 млн. сўмлик маҳсулотларни жамият ҳисобидан уюшмага чиқим қилдириб, "Бахмалдон" МЧЖнинг бюджет маблағи ҳисобидан ажратилган 34,5 млн. сўм пул маблағларини ноқонуний тарзда олиб қўйиб, жамият манфаатларига жиддий зиён етказди.

Бутун фаолияти давомида Темур Ёхудов бошчилигидаги жиноий гуруҳ жами 4,5 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги дон маҳсулотларини ўзлаштириб юборади.

Халқимизда "Пул сақлама дон сақла" деган нақд бор. Бу сўзлар шунчаки айтилган эмас, албатта. Бунинг замирида теран маъно борлиги барчамизга аён. Шундай экан, ўз манфаатлари йўлида ана шу халқ ризқини қийиб, қолаверса, соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларга тўқсинлик қилиб, таъбир жоиз бўлса, ҳурматсизлик билан қараб келлаётган юқоридаги каби қимсаларни ҳеч қачон кечириб бўлмайди. Улар учун халқнинг нафрати ва қонуний жазо муқаррардир.

# «SMS»даги ажал шарпаси

**Муҳаббат ва рашк. Бу туйғулар инсоният тарихида кўплаб жароҳларга сабаб бўлган. Юракда аланга олган рашк оқибатида кишилар талвасага тушиб, жиноятга ҳам қўл урганлар. Қотиллик қилиб қўлларини қонга ботирганлар. Худди ана шу нуқтада муҳаббат завол топган.**

**Аслида муҳаббат қанча улуғ бўлса, рашк шунчалар тубан. Тубанлик билан улуғлик бир жойда, бир юракда яшаши мумкинми? Бу борада турли фикрлар мавжуд. Мантиқан олми қарайдиган бўлсак, муҳаббат билан тўла юрак бошқа туйғунин, хусусан, унга зид туйғунини сиғдира олмайди. Шарбат билан лиммоним тўла косага қандай қилиб бошқа суюқлик қую оласиз?!**

**Д**емак, муҳаббат бор жойда (агар у тоза ва беғубор бўлса) рашк ҳам бўлади. Муҳаббат деб хирсени ёки ўткинчи ҳавасни тушунадиганлар аслида ишқ отли муқаддас туйғудан беҳабардирлар. Бундай "ошиқ"лар майда ҳиссиётларнинг қули. Уларнинг ҳашаки севгиси ҳар лаҳзада рашкнинг қурбонига айланиши, рашк ўти эса бундай "ҳашакиларни" куйдириб, қулга айлантириши ҳаётда кўп марта исботланган.

Имом (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ана шундай ҳашаки ҳиссиётлар асир эди. Лекин у бунини муҳаббат деб ўйлар ва севгилиси Анварани бошқалардан, хусусан, Жамилдан рашк қиларди. Аслида Жамилни бирор марта бўлсин кўрмаган ва унинг Анвара билан муносабатидан ҳам хабарсиз эди. Аммо рашк қиларди. Бора-бора юрагида рашкдан бўлак нарса қолмади ва у рашк етимида Шаҳрисабз деҳқон бозори томон йўл олди. Бозор гавжум, одам кўп. Ҳамма ўз ташвишида. Уларга қараб кўнглиларидеги ниятини англаб олса бўладики? Йўқ. Бу имконсиз иш. Имом ҳам туртиниб-суртиниб расталар оралаб борар экан, унинг қандай мақсадда юрганини ҳеч ким билмасди, албатта.

Ана, у узун тигли ошхона пичоғини қўлига олди. Нарҳини сўраб, пулини тўлади, пичоқни салмоқлаб кўрди-да, қўлига аширди.

О, бадбахт инсон, нима қиласан пичоқни? Бунинг ўрнига Анвара учун бир кафитнага ширинлик ёки биттагина ипак рўмол олмайсанми? Сен шу қадар оғирсанки, севгилингнинг пичоқ билан кўриктиришга чоғландинг? Сўз-чи? Икки оғиз ширин сўз билан аёл қалбини ром қилиш, кейин уни қувиб хайдасанг ҳам ортингдан қолмаслигини нахоти билмасанг? Йўқ, кўркув аёлини вақтинча бўйсундириши мумкин, аммо унинг юрагида муҳаббат туйғусини аланга олдирилмайди.

Қизнинг "қалбини ром қилувчи" қурол билан Қатагон қишлоғи томон йўл олди. Қўнғида бир дунё гап. Аммо улар орасида бирор оғиз ширин сўз йўқ. Дўк-пўлса, газаб устун. "Ундай қиламан, бундай қиламан, бўйнига пичоқ тирайман, ҳаммагнинг сўяман, ҳаммангнинг чавақлайман" деб ўкираман.

Авжи баҳор эди. Бу паллада Қатагон қишлоғи атрофидеги қир-адирлар кўм-кўк майса билан қопланади. Ёлғизоёқ йўл бўйларидега чўчмоқлар бош эгиб турибди. Бутун борлиқ тиркилик қўшигини куйлайди. Яша, ҳаётдан завқ ол, бошқаларга завқу шавқ улаш. Ана шундай қалб билан ўзинг муҳаббат қўйган қизнинг ёнига бор.

О, нодон инсон, пичоқни нима қиласан, ташла уни. Пичоқнинг севгига нима дахли

бор! Тиг ёрдамида муҳаббатга эришган одамни қачон кўргансан, қаерда ўқигансан? Кўркув бошқа, муҳаббат бошқа. Нахот шу оддий ҳақиқатни тушунмасанг?!

\*\*\*  
Имом машина ойнасидан йўлга ва далаларга қаради. Ҳеч нарсани пайқамасди унинг нигоҳи. Бутун борлиқ худди қора шиша орқали қарагандай қопқора кўринарди унинг кўзига. Рашк унинг қулгоғига шивирлади: Анвара билан Жамил бирга. Улар дарё соҳилида. Жамил қизнинг билгадиган ушлаб турибди. Уни ўзига тортаяпти. Анвара сени бутунлай унутган. Сени йигит ўрнида кўрмайди. Йигит одам қандай чидайди бунга. Кимлигининг кўрсатиб қўй!...

Имом бармоқлари билан пайпаслаб, пичоқ дастасидан маҳкам тўтди. Машина елиб борар, йигит кўзланган манзилга тезроқ етишни, тезроқ Анварани кўришни, шимининг қамарига кистирилган пичоқни шарт суғуриб қизнинг нозик бўйига қўйишни ва...

Имомнинг кўзига ерда чала сўйилган товуқдай жон талвасасида патираётган гавда кўриниб кетди. Панжалари пичоқ дастасини аянам маҳкамроқ тўтди. "Сўяман", "йўқ, кўрқитаман", "Балки..." унинг миёсида қарама-қарши фикрлар жой таллашарди. Рашк унинг ақлини ўзининг қора пардасига ўраб олган ва уни тиниқ фикрлашга қўймасди.

Бу битиклардан: "демак, ҳамма айб рашкда эканда, Имом аслида дуруст йигит экану рашк уни шу қўлига солибди-да" деган хулоса чиқаришга шошилманг. Ақл инсонга нима учун берилган? Қийин вазиятга тушганда ақл ёрдамга келади ва соҳибининг тўғри йўл туттишига қўмақлашади. Лекин пичоқли йигитнинг ақли ҳам заифлашган ва рашк ҳам уни ўзининг қора пардасига ўраб олганда, ана, барибир ҳамма айб рашкда экан-да" деб энди узи-кеси-л хулоса чиқарасиз.

Шундаймикин? Келинг, мулоҳаза юритиб кўрайлик. Агар ақл фаол ишласа, аввалдан инсонпарварлик ва гуманизм руҳи билан суғорилган бўлса, аввало, ўша беҳуда рашкнинг содир бўлишига йўл қўймасди. "Тўхта, сен нима қилаёсан?! Ахир Анваранинг ўша йигит билан бирга турганини, бирга юрганини кўрмагансан-ку, шундай экан, рашкка бало борми? Мабодо кўрган бўлсанг ҳам сен шундай йўл тутки, қис маънавий устунлигини ҳис этсин ва сенга қайтсин", деган бўларди ва ўз соҳибини ёмон йўлдан қайтарарди.

Эй инсон, ҳаёт ширин. Умр бир тутам. Жаҳолатга йўл берма. Қора ҳаёларга қўлқусида ёш умрингнинг ҳазон қилма. Эрк ва озошликка не етсин! Ҳамишларга завқу шавқ улаш. Ана шундай қалб билан ўзинг муҳаббат қўйган қизнинг ёнига бор.



...Ва ниҳоят Имом Қатагон қишлоғига етиб борди. Анвараларнинг уйда ҳеч ким кўринмагач, йўл бўйида поилаб туришига қарор қилди.

2010 йил 27 май, соат чамаси 20:30ларда ўзоқдан Анвара кўринди. Момосиникидан қайнганда, Имом беркинган жойидан сакраб чиқиб қизнинг йўлини тўсди. Пичоқ ўқталиб, бор аламини тўкиб солди. Бировага айтса, ўлдириш билан кўриқтиди...

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман суди судланувчи Мушаев Имом Хотамовичга оид жиноят ишлари кўриб чиқди.

Суд ҳукмида Имом Мушаевнинг шахси тўғрисида, жумладан, қўлидаги маълумот берилган. Мушаев Имом Хотамович 1988 йил 1 ноябрда Шаҳрисабз туманида туғилган. Маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-курс талабаси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Имом Мушаев неча ўнлаб йигит-қизларнинг орузи бўлган имкониятга эришган: Институт, шарқ филологияси, хорижий мамлакатлар тарихи... Истикҳол эшиклари кенг очқ. Энди гап кўнғ билан ўқиб, илм олишда...

Аммо Имом бундай гамхўрликка жавобан халқ қорига ярайдиган инсон бўлиш ўрнига пичоқ кўтариб, бировнинг уйига бостириб қиради ва кеңирилмас жиноятни содир этади.

Эртаси кун пичоқни белига кестиригана Ана Анвара яшайдиган уйнинг ҳовлисида пайдо бўлди-да, панароқ жойда яширинганча қизнинг уйдан чиқиб кетди. Ниҳоят, тунги соат ўн икки яримларда қиз ҳовлига чиқди. Имом шу заҳоти унга ташланиб, Анваранинг дуч келган жойига пичоқ ура кетди. Тўсатдан бўлган ҳужумдан эсанқираб қолган қиз бор овози билан "онажон, ёрдам беринг!" деб қичқириб юборди. Она уйғониб кетди ва қизига ёрдам бериш учун ташқарига отилди.

Бундай пайтда оналар ўз жонини уйламайди. Битта эмас, қуролланган катта лаҳзар турган бўлса ҳам унга ташланади. Кучлар тенг эмаслигини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Фарзандини қўқси билан тўсади.

Она қаердандир қўлига илинган калтак билан қоронғу тунда қизнинг жонига қасд қилган Имом Мушаевнинг бошига кетма-кет тўширди. Ана шу зарбалар қизнинг жонини саклаб қолди. Қотиллик ниятида келган шарпа эса қочиб қолди. Оғир жароҳатланган қизни шифохонага келтиришди. Унинг ахволи оғир эди.

Суд хулосасидан: Имом Мушаев қасддан одам

ўлдиришга қаратилган жиний мақсадини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширолмаган. Қасддан одам ўлдириш, яъни суиқасд қилиш жиноятини содир қилганидан кейин ҳодиса юз берган жойдан қочиб, Анвара яшайдиган уйнинг чердагига чиқиб яширинган. Эртаси кун Имом Мушаевни қидириб чердакка чиққан Анваранинг ўқаси Мирзо Панжиевни Имом тутиб олади ва қўлидаги ошхона пичоғини унинг бўйнига тирайди. Бу ерда кўрганинги ҳеч қимлага айтмайсан дея, дўк-пўлса қилади. Шунда Панжиев ўзини химоя қилиш мақсадида пичоқнинг дамидан тутади. Имом пичоқни зарб билан тортади ва унинг кафт соҳасига энгил шикаст етказди.

Судланувчининг суд мажлисидаги кўрсатувида:

...Анваранинг гапидан жаҳлим чиқиб, унинг юзига шапапоқ тортиб юбордим. Шунда онаси билан икковлашиб менга тармашдилар. Химояланман деб қўлим билан онасининг ўнг қўшига жароҳат етказдим. Қоши устидан қон оқаётганига қарамасдан улар мени қўйиб юборишмади. Қўлимдан пичоқнинг тортиб олмақчи бўлишди. Қочиб чиқаётганида йиқилдим. Шунда улар устимга миниб олиб, мени ура кетишди. Мен иккаласининг сочидан ушлаб, зинадан паства томон сурадим. Улар сочларини қўйиб юборишни сўраб ялина бошладим.

Уларнинг сочларини қўйиб юбориб қистадан икки ўрам "демиррол" таблеткаларини қидириб, ҳаммасини ичиб, ўз жонимга қасд қиламан дедим-да, уларнинг уйдан чиқиб кетиб, панада беркиниб турдим. Улар ўз жонига қасд қилиб қўймагани деб ўйлаб мени қидира бошладилар. Шунда 20 дونا таблеткани ичиб юбордим. Бироздан кейин бошим айланиб, қалқиб кета бошладим ва шу жойда ухлаб қолдим.

Эй инсон, шунчага ташвиш, шунча изтироб нимага керак эди сенга? Бир оилани бунча азоблаш, қўни-қўшиларини безовта қилиш, уларнинг юрагига ўлим ваҳимасини солишдан мақсаднинг нима эди? Сен Шарқшунослик институтининг талабасисан. Гуманитар фанларни ўрганаёсан, лекин қани сендаги гуманизм? Қабристонда нима қиласан, ўликларни безовта қилиб?

У қабристонда беркиниб ўтирганда бир киши яқинлашиб келаятганини кўриб, ўрнидан туради. Ҳалиги киши "тўхта!" дейиши билан қўйиндан пичоқ олиб, қорнига тикиб олади.

ИИБ ходимлари уни дарҳол шифохонага олиб бордилар. И.Мушаев суд терговидега ана шуларни айтиб, Анварани се-

**Тоғмурод МУРОДОВ,**  
Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари  
**Умид ЖАҲОНГИРОВ,**  
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта терговчиси

вишини, қилган гуноҳи учун унинг онаси ва уқасидан кечирим сўрашини билдирди ва унга нисбатан қонуний энгиллик беришни сўради.

Судланувчи И.Мушаев суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги ўзининг айбиға қисман иқроорлик билдириб берган кўрсатувида ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан тўлиқ тасдиқланди. Жумладан, судда жабрланувчи Анвара Содирова судланувчи билан унаштирилганлиги, шундан сўнг судланувчи билан суҳбатлашиб тургани, аммо судланувчи унга турли тўхматлар қилиб, қимлар биландир гаплашиб юрганликда айблаб жанжал қила бошлагани, бу ҳақда онасига айтганида (бир неча марта) онаси судланувчининг отасига бу ҳақда билдирганини баён қилди.

Аммо шундан кейин ҳам Имомнинг ҳақорат ва тўхматлари тўхтамайди. 2010 йил 28 апрель кун И Анваранинг иш жойига бориб, "менга 1000 АҚШ доллари керак, аяндан олиб бер, бўлмаса мени ёмон йигитлар ўлдириб кетишди" дейди. Шундан сўнг Анвара унинг яхши йигит эмаслигини англаб, унга турмушга чиқмасликка қарор қилади. Анваранинг онаси бу ҳақдаги фикр-ни судланувчининг акаси Шамшига билдиради. Анвара энди Имомнинг қўнғироқлариға жавоб бермай қўяди. И.Мушаев бўлса қизга "смс"лар юбориб, қизнинг онасига ҳам телефон қилиб, қизнинг ўйнаши борлиги, шунинг учун қўнғироқларға жавоб бермаётганилигини айтиб, Анварани бузқуб деб ҳақорат қилишга ўтади.

Унинг кейинги "смс"лари ҳавфлига тўла бошлайди. Тўхтовсиз келаятган "смс"лар фақат битта нарсадан: "Ажал бораётганлиги ва уларни ўлдириб кетиши"дан хабар беради.

Суд судланувчи Имом Мушаевга жазо тайинлашда ҳазонани энгиллаштирувчи ҳолатлар билан бир қаторда содир этилган қилмишининг ижтимоий ҳавфлилик даражасини, судланувчининг оилавий шароитини, содир этилган ҳаракатининг оқибатини тушуниб етганлигини, жабрланувчиларға етказилган моддий зарарни қопланганлигини ҳисобга олиб, унга 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озоқликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни лозим" топди.

Бўлиб ўтган мазкур суд жаррабига батафсил тўхтадик. Бундан кўзда тутилган мақсад битта: ҳаётга энгил-елли қарайдиган кишилар, хусусан, ёш йигит-қизларимиз мулоҳаза қилсинлар, ўйлаб олсинлар. Ширин ҳаётларини бўлар-булармасга жиноят оғуси билан захарламанлар демократия.

Ҳаёт — улғу неъмат. У инсонга бир марта берилади. Унинг ҳар бир дақиқасидан эзгу мақсадлар йўлида фойдаланган инсонгина муродига етади. Одамдан яхши ном қолсин, деган гап бекорга айтимган. Дунёда яхши ном қолдириш ҳам улғу бахт.



# «Ҳожатбарор» фирибгар

— Ҳа, уста, кайфиятингиз йўқ, Тинчликми?

Ҳозиргина бир миҳоз ташлаб кетган дазмол билан андармон бўлиб ўтирган Ҳамдам ака ишдан бошини кўтариб овоз келган томонга қарадио чехраси ёришди:

— Ие, келинг, келинг Маҳкамбой! Саломатмисиз? Хонадондагилар яхши ўтиришибдими?

— Раҳмат. Узингиз қалай?  
У шундай деб дўкон эшиги ёнидаги курсига ўтирди-да, ён атрофига қараб, яна гап қотди:

— Бу дейман, "заказ"нинг баракаси учиб кетганга ўхшайдими? Ўзи дўконнинг илгариги жойи яхши эди. Шундоққина йўл юзида. Ўтган-кетганнинг дарров кўзи тушарди.

— Э-э, нимасини айтасиз... Жой билан жойнинг фарқи бор экан. Бу ерга кўчганимдан бери ишнинг баракаси йўқ. Миҳозлар ҳам эски жойга ўрганиб қолишган шекилли, бу ерга келишмаяпти. Бўлмаса, ораси бор-йўғи 5-10 метр чиқади. Ё тўрт-беш қадам ортиқча қўйишга эринишармикан?

Гапи ўзига таъсир қилди шекилли, хоҳолаб қулиб юборди. Аммо шу заҳоти жиҳдий тортиб, қўлидаги дазмолни бир четга қўйди-да, меҳмонга юзланди:

— Ҳўш, ўзингизда нима гап? Одамларнинг этиги-ю туфлиси тезроқ йиртилсин-у, тезроқ менга олиб келсин деб, дуо қилиб ўтирибсизми?

— Худо асрасин, ака. Унақа ниятим йўқ. Насибага яраша "заказ" тушиб, қозон қайнаб турибди. Мен олдингизга бошқа масалада келгандим. Хуллас, мени бир танишим бор. Исми Элмурод. Уч-тўрт йилдан бери оёқ кийимларини олиб келиб тургани учун танишиб қолганман. Шу йигит бирда аллақайси органда ишлайман дегандек бўлвди. Агар ҳўп десангиз, шу йигит

билан гаплашиб кўраман. Балки дўконни яхшироқ жойга кўчиришга ёрдами тегиб қолар...

— Қанийди... Умрингиздан барака топинг уста...

Орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас дўконга ўттиз ёшлардаги бир йигит кириб келди. Салом-алик қилгач, мақсадга кўчди:

— Уста ака, мени этиқдўз Маҳкам ака юборди. Эшитишимча, анча қийналиб қолибсиз. Илоҳи бўлса ёрдам бериб юбор, савоб бўлади дегани учун келдим. Ҳўш, нима гап?

Ҳамдам ака (исм-фамилиялар ўзгаририлган) дўкони ичкарироққа кўчирилгани боис, савдо унчалик юршмаётганини айтиб, илоҳи бўлса яхшироқ жойга ўтказиш ҳаракатида эканлигини билдирди. Йигит унинг гапларини эшитиб бўлгач, салмоқлаб гап бошлади:

— Ака, аҳволингизни тушундим. Мақтанаяпти демангу миллий хавфсизлик хизматида ишлайман. Шунга яраша гапимиз у ёқ-бу ёққа ўтиб туради. Туман ҳоким ўринбосарини ҳам танийман. Қани, ўша билан бир гаплашиб кўрай-чи, нима деркан?

Кўп ўтмай яна устaxonада пайдо бўлган Элмурод, танишлари билан гаплашганини, улар дўконни яхшироқ жойга кўчиришда ёрдам беришни ваъда қилишганини айтиб, Ҳамдам акани ташқарига бошлаб чиқди. Озроқ юришгач, одам гавжум жойни кўрсатди. "Қалай, шу жой бўладими? Қаранг, одам кўп, аммо бозорда бундан зўр жойни тополмайсиз" Ҳамдам ака у ёқ-бу ёққа юриб кўргач, хурсанд бўлганча розилигини билдирди. Элмурод шу заҳоти уни четроққа имлади.

— Ака, очигини айтиб, бу иш ўз-ўзидан битмайди. Озроқ харажати бор. Буни биласиз. Танишлар кўкида 1500 сўрашди. Менга ҳам хизматим учун 200 доллар берарсиз...

**Забиҳулла ЗИЁДУЛЛАЕВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Кичкинагина устaxonони бошқа жойга кўчириш учун нақд 1500 АҚШ доллари тўлаши кераклигини эшитган Ҳамдам аканинг боши қотиб қолди. Шунча пулни қаердан олади. Охири пайтда миҳозлар ҳам қамайиб қолган бўлса... Майли, қарз кўтариб бўлса-да, амаллаб пулни топар, аммо Элмуродни ҳали яхши билмаса, танишлари ҳақида-ку, гап бўлиши мумкин эмас. Эртага чув тушиб қолмасмикан... Шулларни ўйлар экан, Элмуродга юзланди:

— Ука, барака топинг. Яхшиям сиз бор экансиз. Фақат, айбга қўшманг-у, ўша танишингиз ким ўзи? Ишқилиб, ишончли одамми?

— Уста, менга ишонмаяпсизми? Сизнинг устaxonангиздан бошқа тавишимни йўқми? Агар Маҳкам ака ўртага тушмаганда аралашмасдим, шуни биласизми? Ўша кишининг ҳўрмати учунгина хўп дегандим. Танишим масаласига келсак, туман ҳокимининг ўринбосари деб танишган кунимиз сизга айтган эдим, эсингиздан чиқибди-да. Бунақа ишлар ўша кишининг рўхсати билан бўлади. Энди пул масаласига келсак, уни кимга беришимнинг сизга нима қизиги бор, ишингизни ҳал қилсам бўлдимми? Ё менга ишонмаяпсизми?

— Сизга-ку, ишонаман-а, аммо... Майли, розиман, укажон, аммо шу пулни сал қамайитиришинг илоҳи борми-а? Кўриб турибсиз, топишинг ўзи бўлмаяпти...

Элмурод бироз ўйлангандек бўлиб турди-ю кейин таниши билан маслаҳатлашиб кўришини, эртага кўнғироқ қилишини айтиб, у билан хайрлашди. Эртасига ваъда қилгандек кириб



келди-да, охири нарх 1000 доллардан бир тийин ҳам кам бўлмаслигини айтиб, воситачилиги учун ўзига 200 доллар бериш кераклигини шаъма қилиб қўйди. У кетгач, Ҳамдам аканинг яна боши қотди. Нима учундир бу йигитга ишонгиси келмасди. Ўйлай-ўйлай, охири тегишли органларга бор гапни баён қилиб, ариза берди. У ерда дарҳол тезкор тadbир ишлаб чиқилиб, махсус ишлов берилган пулни Ҳамдам акага топширишди. Эртаси куни Ҳамдам ака Элмуродга кўнғироқ қилиб, айтилган суммани топганлиги ҳақида хабар берди. Элмурод кўп қўттирмади. У устaxonага кириб, Ҳамдам акадан пулни олгач, ташқарига чиқиси билан тўхталибди. Гувохлар иштирокида тинтув қилиниб, ёнидан топилган пул расмийлаштирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судида Э.Турдиевнинг жиноий қилмиши кўриб чиқилиб, унга олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шундай қилиб, виждони амрига қулоқ тутган фуқаро билан ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходимларининг сайё-ҳаракатлари натижасида яна бир "ҳожатбарор"нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.



**Худойназар АБДУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд туман прокуратури ёрдамчиси

# Ёр ажратилгандаги «сир»лар

**И. НАРЗИЕВ,**  
Жиззах туман прокуратураси терговчиси

*Истиқлол йилларида бунёд этилаётган ҳайратланарли иншоотлар дунё халқларига нечоғлиқ юксак даражада бунёкор эканлигини исбот этаётгани бугуннинг аини ҳақиқатлари. Шундан бўлса керак, юртимизда кўчмас мулк объектлари, шу жумладан, аҳолига ер участкаларини тегишли тартибда ажратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бу ўз ўрнида шахарсозлик ҳамда қурилиш нормаларига риоя этилишини таъминламоқда десак, муволафа бўлмайди. Бироқ, айрим ҳолларда баъзи ваколатли шахсларнинг аҳолига ер участкаларини ноқонуний ажратиш келаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.*

Хусусан, "қахрамон"имиз Баҳодир Донабоев ҳам ана шундайлар тоифасидан экан. У ёш бўлса-да, кўпни қўрган, катта тажрибага эга. Шу сабаб бўлса керак, Жиззах туман ҳокимлигининг архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи лавозимига кўтарилди. Маълумки, бу лавозим эгаси бир вақтнинг ўзида туман ҳокимияти қошида тузилган ер участкаларини танлаш ва ажратиш комиссияси аъзоси ҳам ҳисобланади. Ваколатли шахсга айланган Б.Донабоев қисқа муддатда ўзгариб, ноқонуний ишларнинг бошини тутта бошлади. Ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда туман ҳокимиятига яқка тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкаси ажратиш беришини сўраб келган фуқаро М.Абдуразоқовога 0,16 сотих ер участкаси ажратиш бериш эвазига 10 млн. сўм сўра-

У шу каби ноқонуний ҳатти-ҳаракатларини давом эттириб, ер участкаси ажратиш бериш учун С.Оқмирзаевдан 5 млн., Д.Ураловадан эса 3 млн. сўмни пора тариқасида олади. Шунингдек, таниши О.Файзиевдан 0,16 сотих ер участкаси ажратиш бериш эвазига ўзининг опаси Н.Асқарованинг ер участкасини фиш билан айлантириб бериши ва Жиззах туман Ш.Рашидов СФУ ҳудудидаги уйнинг томига қурилиш материаллари олиб беришини талаб қилади. Ҳеч қанча вақт ўтмасдан, 2009 йилнинг октябрий-ноябрь ойларида О.Файзиевнинг ҳисобидан шифер, страпила, рейка каби қурилиш материаллари Б.Донабоевнинг опасиникига қилиб тушади. Маэзқу қурилиш материаллари учун О.Файзиев жами 12 млн. сўм сарфлайди. Баҳодир бу сафар ҳам одатий усулда, туман ҳокимининг қарори нуҳасининг орқа бетига опаси Н.Асқарова, С.Оқмирзаев ва Д.Уралова-ларнинг исм-фамилияларини киритиб, ҳужжатларни қалбақлаштиради. Вақти-соати этиб, Б.Донабоевнинг кирдикорлари фoш этилди. Унга нисбатан одил суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Республикада қонунга ҳилоф равишда савдосотик билан шуғулланиш жиноий жавобгарликка тортилишга асос бўлади. Айниқса, ноқонуний равишда қурол-яроғ сотиш қатъиян тақиқланади. Тайлоқ туманида истиқомат қилувчи Абдунаби ака бир куни куёви Шайдуллога:

— Отамдан қолган ов милтиғи бор, шуни сотишим керак, — деб қолди.

— Харидор керакми, мана биз топамиз-да!

— Фақат эҳтиёт бўлиш керак, милтиқнинг ҳужжати йўқ.

— Буёғидан хавотирланманг. Ҳаммасини "қонуний" қилимиз, — деди куёв.

Шайдулло кўп ўтмай сўзининг устидан чиқиб, харидор топиб келди. Ўзини Абдулло деб таништирган йигит ов қилишга иштиқмандлигини завқ билан айта кетди.

— Оваг худаям қизиқаман. Милтиқ қўлимга тушиши билан олдимдан нима чикса, отиб кетавераман. Бу овнинг гаши бошқачада...

— Ҳўш, милтиқни оласизми?

— Ҳа, қанчага сотасиз?

— 300 мингга.

— Кўп-ку, келиштириб бе-

# Тавбасига таянмаган қотил

Суд Адилни хавфли рецидивист деб тоғди ҳамда йигирма бир йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Жиноят иши материалларидан кўринишича, унинг ақли-хуши жойида, хатти-ҳаракатлари, оғзидан чиққан сўзлари учун жавоб бера олади. Дастлабки терговдаги каби суд мажлисида ҳам жиний қилмишини батафсил айтиб бераётган, одам ўрнида кўрмай, оёқ ости қилаверишидан тоқати тоқ бўлиб, ўзи истаманган ҳолда, қўлига илинган нарса билан сингилсини уриб ўлдириб қўйганидан афсус-надомат чекаётгандай қиёфага кирди. Дарвоқе, жиноят ишидаги ҳрлатларга кўра, эрталаб можаро бошланганида, ичкиликка ружу қўйган судланувчи маст эмас, энди уйқудан уйғониб чиққан, ҳали юз-қўлини ювишга, "бош оғриғи" қилишга улгурмаган эди. Сингилсини одатдагидай жаврай бошлаганида бу гал ҳам галига яраша бўралаб сўкиш билан қаноатланмасдан, қачондан бери ичида муайян бир режа тусини олган, қўлай фурсат, баҳона, туртки куётган қилмишга қўл урган.

Уйда улардан бошқа ҳеч ким йўқ. Уртага тушадиган, ажратиб қўядиган ёки милицияга тутиб берадиган ёши улугларнинг бари ўз юмушлари билан чиқиб кетишибди.

Ҳозирроқ ўзини ҳимоя қилишга қўрби етмайдиган оғина аёлнинг таъзирини териб қўяди. Заҳар тилини суғуриб олади. Ана шу уй билан у «сан»лаётган сингилсининг ортидан бориб, темир лом билан бошига бир неча марта уриб, ерга йиқитди. Қонга беланиб ётган Саиданинг ўлганига ишонч ҳосил қилган, ҳовлидан чиқиб кетган. У қўлга олинганда авваллига ўзини ҳеч нарсани билмайдигандай тутишга тиришди. Бироқ, ака-сингил жанжалининг шохидлари бор эди. Қўшнилари аёлнинг дод-войини эшитишган, эшикдан чиқиб кетаётган Адилни кўришганди. Уша пайтада ичкари уйда ухлаётган марҳуманинг вояга етмаган набираси шовқин-сурондан уйғониб, ҳовлига чиққанида бувиси қонга беланиб ётганини, судланувчи кўча эшикдан чиқиб кетаётганини кўрган. Қўрқиб кетиб, кўни-қўшилари чакирган.

Адил ўзини ортқ тарозига солмади. Айбига иқорлик билдириб, қўрсатма беришдан ўзга чораси йўқ эди. Тўғри, сингилсини билан мурасалари келишмаган. Сўнгги бор жазони қисман ўтаб, озодликка чиқиб келганидан кейин собиқ хотини ажрашиб, уйига киритмай қўйган. Ота ҳовлида яшаётган сингилсини унинг



қўчада қолганига ачиниб, бошпана берган. Бунгача сингилсини бу ерда кичкина қизи ва набираси билан бирга истиқомат қилган. Кўни-қўшилари айтишича, Адил келгандан кейин хонадоннинг тинчи йўқолган. Саида акасини ичкиликдан қайтаришга уриниб, чарчаган. Сўнгра уни телбага чиқариб, бошқа бошпана топишини талаб қилиб, жанжаллашаверган. Кечкурунлари маст-аласт қайтган кезлари эшикни қулфлаб олиб, ҳовлига киритмаган.

Судланувчи Адил Дадажонов ўзини оқлаб, сингилсини мени жиннига чиқариб қўйган, сенинг жойинг жиннихонада, дея жанжал қилиб, жонимдан тўйдирганди, дейди.

— "Водаканал"да ишлайдиган битта йигит билан дош олишиб юрганини билли қолиб, урушиб бердим, ҳаром-ҳарис юришдан қайтармоқчи бўлдим. У эса ҳалиги одамни ҳовлига ҳам бошлаб келди. Гуё водопроводни тузаттиргани уста опкелганмиш. Унга тагин гап-сўзга қоласан, дея танбех берсам, сени жиннихонага жойлаб кутуламан, деб жаҳлимни чикарди. Уша куниям эрталаб водопроводда бетимни ювмоқчи эдим, юз-қўлини ювётган Саида "Нарирок тур

жинни, участка нозирини билан гаплашдим, сени жиннихонага жўнатаман" деб асабини бузди. Жоним чиқиб, қўлимга тушган лом билан бошига уриб, ўлдириб қўйганимни билмай қолдим. Бошидан қон оқаётганини кўриб қўрқиб кетдим-у, кўчага қочдим. Уйда ҳеч ким йўқ эди, сингилсининг набираси Марғиёна ухлаб ётганди. Лом билан урганимни кўргани йўқ. Кўчага чиқиб кетаётганимда уй остонасида уйқусираб турганди...

Сингилсини қаралса, фожианинг муқаддимаси гуё Саиданоҳнинг туғишган акасини жиннига чиқариб, жонидан тўйдириб қўйган уринганида эмас. Ака-сингил мерос, мол-мулк, ҳовли-жой ҳам таллашибмаган. Адил Дадажонов бадбахтлигининг илдизини, сабабини ўзидан эмас, ўзгалардан, шу жумладан, сингилсиндан кўргани тўфайли ичи фасодга тўлиб бораверди.

Маълумки, қасддан жиноят содир этиб судланган, жазони тўлиқ ёки қисман ўтаб озодликка чиқарилган, чинакамига тавба қилган собиқ маҳбуслар ҳаётларини қайта изга солиш, ҳақ йўлдан адашмай яшашлари учун яратилган шароит ва имкониятлардан фойдаланишди. Соғлиқларини тиклаш, меҳнат қилиш, саб-

**Р. МАШАРИПОВ,**  
Бош прокуратура бошқарма прокурори  
**М. МИНАВВАРОВ,**  
Марғилон шаҳар прокуратураси  
катта терговчиси

ру-қаноат билан қадам-бақадам жамиятда ўз ўринларини топишга интилишди.

Бироқ, афсуски, айблов ҳулосаси, суд ҳукмларида "муқаддам судланган" жумласи ҳам қўлланилади. Амнистия актига биноан афв этилган ёки жазо муддати қисқартирилиб озодликка чиққан, ҳақ йўлга ўтиб олишлари учун имконият берилган шахсларнинг муайян қисми ушбу муруватдан тўғри ҳулоса чиқаришмайди, сиртларида пушаймонлик билдирсалар-да, нафсларини жиловламасдан тақдоран, аввалгидай ёки ўндан-да оғирроқ жиноятга қўл уришган ҳолатлар бот-бот учрайди.

А. Дадажонов сингилсининг жонига қасд қилганига қадар муқаддам икки бор судланган. Иккинчи марта қотилликда айбланиб, ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, Амнистия актига кўра жазони тўлиқ ўтамасдан озодликка чиқарилган. Гарчи, оиласидан ажралган бўлса-да, қирқ саккиз ёшида ҳам ишга жойлашиб, қайта уйланиб, рўзгорли бўлишга монелик қиладиган нарса йўқ эди. Бироқ у тагин ичкиликка ружу қўйди. Бошпана берган сингилсининг панд-насихатлари у қўлоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетаверди. Мастиликда ҳақорат қилишдан безган Саида уйига киритмай қўйган кезларда эса сингилсиндан ўзи олиш миссини кемираверди.

Суд мажлисида гувоҳлар, қўшнилари ака-сингилнинг уришиб, жанжаллашувлари одат тусига киргани, ора-сира бақир-чақирлари эшитилиб турганини таъкидлашди. Нотинч хонадондаги жанжал, можароларнинг охири бахайр тугамаслиги кундай равшан эди. Кўни-қўшилари, маҳалла-қўй ака-сингилни муросага келтиришга бир-икки уриниб кўришди. Аммо Адилга гап қор қилмагач, бор-э, дея қўлларини ювиб, қўлтиғига урди. Жанжалларга кўниқиб ҳам қолишди. Адил Дадажоновни йўлга соладиган, тартибга қақирадиган, сўзини ўтказга оладиган одам эса топилмади.

# Айтиб, балого қолди...

Ишдан қайтаётган Равшан ака автобусга чиқиб, ўриндиқлардан бирига ўтирди. Аммо шу заҳоти салоннинг орқа томонидан эшитилган хиринг-хиринг кулгулар билан беҳаё гап-сўзлар эътиборини тортди. Ҳайрон бўлиб, у томонга ўгирилди-ю, кўзи уч-тўрт нафар йигитчага тушди. Улар баланд ўтирган аёллар билан бири бунга чидолмади шекилли, уларга танбех берган бўлди:

— Ҳой йигитлар! Сал секинроқ гапланишлар, илтимос.

Бироқ, ўзларини хон, қўлан-қаларини майдон деб ҳисоблаётган йигитлар унга аҳамият беришмади. Аксинча, бақир-чақирни баттар авжига чиқариб, танбех берган аёлни масхара қила бошлашди. Бундай безбетликдан Равшан аканинг асаби қайнаб кетди. У жаҳл билан ўрнидан туриб, уларнинг ёнига келди.

— Сенлар гапга тушунасанми? Автобусда юришни билмасанглар, ана кўча тўла такси, ўшанда юринглар. "Хунар"ларининг ота-онанг кўрсанми дейди?

Унинг даққиси йигитларга

ёқмади шекилли, олд томонда ўтиргани тўсатдан қўзларини ола-қула қилганча, Равшан акага ўдағайлаб кетди:

— И-е, сен кимсан ўзи? Нима, бизни туғиб катта қилган-мисан?! Панд-насихатингни-чи, уйингга бориб, болаларингга қиласан, тушундингми?

Бундай жавобни кутмаган Равшан ака авваллига нима деганини билмай, довдираб қолди. Шундай бўлса-да, тезда ўзини қўлга олиб, яна гап қотди:

— Ё, тавба? Бу нима деганинг? Отанг тенги одамга ҳам шунақа муомала қиласанми? Сенга ўхшаганларни ер кўтариб юрганмига ҳайронман?

— Эй чол! Кўп гапирмасдан, бориб ишингни қил...

Салондаги тўс-тўпалонни эшитган ҳайдовчи автобусини тўхтатиб, ичкарига кирди. Вазиятни тушунгач, ўртага тушиб, уларни ажратмоқчи бўлди:

— Бўлди қилинглар! Кўпчилик ишдан чарчаб келяпти... Мени ҳам ишдан қўйманглар...

Йигитлар энди ҳайдовчига ташланишди. Ҳозиргина Равшан ака билан гап таллашиб турган йигит энди ҳайдовчига дўқ ура бошлади:

— Бор ишингни қил! Планингни бажар!

— Ука, ҳаддингдан ошма. Гапингни ўйлаб гапир... Туш автобусдан!

**Зарифа МАВЛОНОВА,**  
Олмазор туман прокурори  
ёрдамчиси  
**Гули ҲОЖИБОЕВА,**  
«Huquq»

Аммо йигит унга ҳам қўлоқ солмагач, Равшан ака унинг ёқасидан ушлаганча автобусдан тушироқчи бўлди.

— Ўв, бобой, қўйвор ёқамни!

— Туш пастга! Зўр бўлсанг, ўзингни кўрсат!

Улар чойхона олдидаги бенкатда автобусдан тушиб қолишди. Бироқ шунда ҳам йигитлар Равшан акани калака қилишдан тўхташмади. Озаки жанжал зумда муштлашишга айланди.

Равшан ака нафақага чиққунча ҳарбий соҳаларда ишлаб, қўл жангидан хабари бўлгани боис, йигитларнинг муштидан ўзини ҳимоя қилиб турди. Отаси тенги одамнинг у билан бемалол мушлалашётгани алам қилди шекилли, жанжални бошлаган йигит дабдурустан пичоғини чиқариб, Равшан акага ўқталиб қолди. Шерикларни пичоқни кўриб, қочиб қолишди.

Бекат рўпарасидаги дўкончаннинг сотувчиси сигарет тутатганча, ташқарига чиқди. Қараса, уч-тўрт киши муштлашяп-



ди. Воқеани биров кузатиб турди. Аммо урушаётганларнинг бири пичоқ чикарганини кўрган, вазият кескинлашганини тушунди. Шу заҳоти дўкончага кирди-ю, милицияга кўнгирок қилди...

Бу пайтада йигит аллақачон Равшан аканинг бир неча жойига пичоғини санчиб олган эди. Қилар ишни қилиб бўлгач, вақтни бой бермасдан воқеа жойидан ғойиб бўлмоқчи бўлди. Аммо улгурмади. Бир неча дақиқа олдин дўкон сотувчисининг ички ишлар ходимларига берган хабари зое кетмади. Қўллари қонга беланган йигит қўлга олинди. Жабрланувчи эса касалхонага жўнатилиди... Маълум бўлишича, автобус-

даги йўловчилар Шўҳрат Тоҳиrow билан Равшан Салимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзаро жанжаллашиб қолиб, кейин Олмазор тумани Дадабоев кўчасида жойлашган чойхона ёнида тушиб қолишган. Натихада Ш.Тоҳиrow ёнида бўлган пичоқ билан Р.Салимовнинг чап кўкраги ва қорнига бир неча маротаба тан жароҳати етказган. Жабрланувчи олинган тан жароҳатлари билан шифохонага келтирилиб, жарроҳлик бўлимининг "жонлантириш" бўлимига ётқизилган.

Ушбу жиноят иши юзасидан одил суд ўз ҳукмини Эълон қилди. Шўҳрат Тоҳиrow ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топилди, 12 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.





# Мустақиллик — огоҳлик демак!

**/Давоми.  
Бошланиши 1-бетда/**

1991 йилнинг 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинган, ўзбек миллатининг қадди тикланди. Ватан қадрини ортди, зўравонлик йўли билан йўқ қилинган миллий қадриятларимиз, динимиз ("Наврўз" байрами, Рамазон ҳамда Қурбон ҳайитлари ва ҳоказо) яна халққа қайтарилди. Янги давлат рамзлари — давлат байроғи, герби, мадҳияси, миллий валютасига эга бўлди. Мазмун ва моҳиятан тамомил янги давлатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямиз қабул қилинди. Ўзбек халқи ўз тилида баралла сўзлаш, асрлар давомида шаклланиб келган анъаналари, қадриятларини қайтадан билиш, эъзозлаш, эркин фикрлаш, ўз тақдирини ўзи хал этиш, ўзга юртларда Ватан соғинчида бўлаб юрган юртдошларимиз ота юртига қўрқмасдан қайтиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистонни юздан ортиқ давлатлар мустақил давлат сифатида тан олди. Мамлакатимиз қатор нуфузли халқроқ ташкилотларга аъзо бўлди. Ўзбек халқи дунёга ўз маданияти, санъати, моддий ва маънавий бойликларини намойиш қилиш, улардан мустақил фойдаланиш имкониятларини кўлга киритди.

Ватанимиз ҳудудига ривожланган мамлакатларнинг нуфузли корхона ва ташкилотлари ўз техника ва технологияси, маҳсулотлари билан кириб кела бошлади. Оз фурсат ичида йирик-йирик Ўзбекистон — хорижий мамлакатлар қўшма корхоналари ташкил этилди ва ишга туширилди. Тарихан қисқа бир даврда Ватанимиз дунёга танила бошлади. Ахир бу ютуқлар билан қувонмай бўладими?! Айниқса, бугун — Истиклолнинг 20 йиллик тантанаси арафасида не-не машаққатларни ортда қолдириб, ўзбек деган номни оқлаб келаётган юртдошларимиз меҳнатини ҳар қанча кўкларга кўтарса, ютуқларимиз билан гурурланса арзийди. "Бу муқаддас заминда азиздир инсон!" шiori остида бу юрда яшаётган ҳар бир инсонни эъзозлашга қаратилган эзгу ишлар ҳақида оламга ҳар солсақ, асло ёлгон бўлмас!

Қунда гувоҳ бўлганим — ёнгинамиздаги болалар боғчасида эрталарики машғулотларни кўларини кўксига қўйганча давлатимиз мадҳиясини куйлашдан бошлаётган болачонлар, бийрон-бийрон Ватани мадҳ этувчи шеърларни айтаётган кичкинтойларни кўриб, юрагинг энтикади. Демак, шу ёшдақлар улар тўғилиб ўсган юртини озодлиги ҳар нарсадан ортиқлигини ҳис этишга улгурибди!

Юқоридаги сўзларнинг асоси сифатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик бир сўзни такрорлайвериш билан унинг сийқасини чиқариш эмас, аксинча, огоҳлик, хушёрлик деганидир. Зеро, истиқлолга эришганимиздан кейинги асрлар давомида орзу қилиб етишганимиз — мустақиллигимизни кўролмаган юртфурушлар, диний-экстремистик гуруҳларнинг таъжовузи, шунинг оқибатида юзга келган 16 февраль воқеалари, Сурхондарё, Бухоро, Ташкент ва Андижондаги хунрезликларни ҳам ёдимиздан чиқармаслигимиз керак. Улғу байрам яқинлашгани сайин ҳар биримизнинг қалбимизда ана шу нъматни асраб-авайлаш туйғуси жўш уради, йўқотиб қўйиш хавотирини эса вуҷудимизни ларзага солади. Ахир Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулсанам Мамазоитова "Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!" дея қуйлаганда тўқинланмаган юрак борми?! Демак, "Мустақиллик менга нима берди?" деб эмас, "Мен мустақилликка нима бера оляпман?" деб яшаётган халқимизнинг қалби уйғоқ, истиқлол қадрини яхши англайди. Бас, шундай экан, Ўзбекистон энди ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

Ҳеч нимани қонунни билганчалик ёмон биламаймиз, деган экан О. Бальзак. Дарҳақиқат, бугун аксарият оаамлар қонуний ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишмайди. Бу эса, албатта, турли анлихираникларни келтириб чиқаради.

Қонун — аввало давлат, халқ ҳамда миллат манфаатларига хизмат қилиб, уларнинг бурч ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда бу борада анчагина самарали ва улкан ишлар амалга оширила бошланди. Қонунларни жорий этиш, уларнинг бажарилаётганини таъминлаш давлатимиз олдидаги устувор вазифа бўлди, десак адашмаймиз. Шу билан биргаликда, республикамизда ёшлар орасида ҳам қонун ва Конституциявий ҳуқуқларни тарғиб қилиш, келажақ авлодини

хуқуқий шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар йўлга қўйилди.

Юртбошимиз нутқларидан бирда "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", дея таъкидлаган эдилар. Қонун ва ёшларни ҳамжиҳатликда улғайтириш, ривожлантириш долзарб масала сифатида татбиқ этилди.

Ёшлар орасида қонунбузарликни йўқотиш, вояга етмаганларни қонун доирасида руҳий шакллантириш ҳам яхши натижа кўрсатди. Буларнинг барчаси ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўлида қилingan сай-ҳаракатлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёш авлодини хуқуқий етук қилиб тарбиялаш мақса-

Истиқлолнинг ҳар бир санаси мамлакатимиз тарихи саҳифаларига улкан бунёдкорлик, халқимиз эришяётган оламшумул ютуқлар, эзгулик ва шоҳмонлик, тараққиёт ва фаровонлик йили сифатида зарҳал ҳарфлар билан битилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган замонавий корхоналар, турар жойлар, таълим ва тиббий муассасалари, рагон йўллар ва кўприкларни кўриб кўз қувнайми, дилларда шўқроналик, гурур ҳисси ортлади. Вилоятимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари натижасида Андижон шаҳри қиёфаси кун сайин чирой очиб бормоқда.

# Бугунги Андижон

Бунга Президентимизнинг "Андижон вилоятида турар жой массивларининг коммунал инфраструктурасини жадал ривожлантириш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қанот бўлаяпти. Бобомиз номи билан аталувчи шох қўчада бу борада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Қурилиш объектларини айланганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Ҳамроҳимнинг айтишича, ҳозирда кўчанинг ўнг ва чап тарафларида эски уйлар бўзилиб, 57 та замонавий иморатлар барпо этилиши кўзда тутилган. 2-3 қаватли биноларнинг биринчи қаватида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, касаначилик, сервис хизмати йўлга қўйилса, иккинчи, учинчи қаватлари турар жой сифатида фойдаланилади. Бу ерда меҳмонхона, ётқоқона, болалар ва компьютер хоналари, шинам ошхона, хуллас, хонадон соҳибларининг эмин-эркин яшашлари учун имкониятлар яратилади.

Хусусий тадбиркор Ш. Камолов томонидан қуриб битказилган иншоотда ана шундай қулайликларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Замонавий бинонинг биринчи қаватида қурилиш материаллари билан савдо қилувчи "Комфорт" дўкони харидорлар билан гав-жум. Қурилиш учун нимаики керак бўлса, шу ердан топа-си. Ёнидаги хоналарда эса "Пардалар дунёси" ҳамда автомашиналарга чехол-поликлар тикиш устaxonалари аҳоли хизматиди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг май ойида Андижон вилоятига ташрифи чоғида вилоятга ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар-

га юқори баҳо берган ва хизмат кўрсатиш, сервис соҳалари ҳамда яқна тартибда уй-жой қурилиши борасида катта тажриба тўпланганини алоҳида қайд этган эди.

— Бу эса мен каби тадбиркорларни руҳлантирди, — дейди Ш. Камолов. — Келгусида бинонинг иккинчи қаватига тиквучилик чеҳи ташкил этиб, аёл ва қизлар учун 30 иш ўрни яратмоқчиман.

Хусусий тадбиркор "А.К.А." ишлаб чиқариш фирмаси директори Абдурахмон Юсупов томонидан қурилаётган 3 қаватли соғломлаштириш ди-агностика маркази келгусида оилавий даволаниш масканига айланса, ажаб эмас. Бу ерда болалар ва катталар учун томография, УЗИ, эхокардиография, физиотерапия, биохимия таҳлиллари хизмат турлари йўлга қўйилади. Марказга тажрибали шифокорлар жалб қилиниб, замонавий тиббий асбоб-анжомлар келтирилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон ва Бобур шох-қўчалари кесишган чорраҳада жойлашган меҳмонхона, ресторан, қаҳвахона ва тантаналар саройидан иборат мажмуа "Секрет дрем" МЧЖ томонидан қурилмоқда. Айни пайтда ресторан, қаҳвахона ва 400 ўринга мўлжалланган тантаналар саройи фойдаланишга топширилиш арафасида. Ҳозирги кунда бу ерда 49 та иш ўрни яратилиб, ишчилар қабул қилинмоқда.

— Биз қурилиши тугалланмаган меҳмонхона биносини мақсадида "Қишлоққурилиш-банк"идан 900 миллион сўм микдорда кредит олдик, — дейди жамият раҳбари Н.Ортиқов. — Жаҳон андозаларига мос келадиған меҳмонхона номини "Сарбон", деб ата-

**Дониёрбек МАМАЖОНОВ**  
Андижон вилоят прокурори катта ёрдамчиси,  
**Нарғиза ХОЛМИРЗАЕВА,**  
журналист

моқчимиз. Келгусида меҳмонхонамиз халқимиз, қолаверса, шаҳримизга ташриф бююрган хорижлик сайёҳлар учун ҳам узоқ йиллар хизмат қилади.

Шаҳарнинг жанубий ва шимол қисминини бир-бири билан боғловчи кўприк "Био-кимё" заводи атрофида барпо этилади. Тасавур этинг-а, икки-ўч йил ўтиб, бу ерда қурилган улкан кўприк шаҳримиз аҳолиси учун қўлаб қулайликлар яратади. Ҳозир Янги шаҳар қисмига айланма кўчалар орқали ўтилса, келгусида текис ва рагон йўл бир зумда кўзланган манзилга эл-тади.

— Бобур шох қўчасидаги бунёдкорлик ишларини амалга оширишдек масъулиятли вазифа зиммамизда. — дейди "Обод-2010" қурилиш дирекцияси раҳбари И.Холиқов. — Режа асосида бажарилиши керак бўлган ишлар ҳали кўп. Магистрал йўлларда ёмғир сувини четга оқизиш, табиий газ, сув, электр тармоқларини реконструкция қилиб, янгидан тортиш, кўчанинг ички тарафини кўкаламзорлаштириб, йўлакчалар қуриб, замонавийлаштириши амалга оширишимиз керак.

Мухтасар қилиб айтилганда, инсон манфаати, унинг бахтли ва тўқис ҳаёт кечириши йўлида Андижон шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ишлари ҳажми тобора ортиб бормоқда. Бу, Бобур Мирзо орзуларини бугунги андижонликлар рўёбга чиқараётганидан, бунёдкорлик қонимизда борлигидан далолатидир...

# Қонун ва ёшлар

**Малика ҒАЙБИЕВА,**  
ЎЗМУ журналистика факультети  
4-босқич талабаси

дида жойларда, жумладан, ўрта ва ўрта махсус, олий ўқув юртларида, маҳалаларда ҳуқуқ-тартибот ва тарғибот ходимлари томонидан турли давра суҳбатлари, кенгайтирилган амалий тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Айни дамда шуни ҳам айтиш жоизки, ёшлар онгини турли "хир"ликлардан тозалаш ҳамда уларга қонун устуворлигини сингдириш йўлида ўқувчи ва талабалар учун мослаштирилиб, амалга оширилаётган "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз ҳуқуқни биласизми?", "Конституция — бахтли келажақ",

деб номланган беллашув тадбирлари ҳам йўлга қўйилган. Бу ҳам ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган тарғибот ишларидан биридир.

Гераклит шундай деб ёзади: Халқ қонунни ўз таянчи, ўзини муҳофаза қилувчи девор сифатида ҳимоя этмоғи лозим. Дарҳақиқат, қонун одамларни ҳимоя қилганидек, ўз навбатида одамлар ҳам қонунни муҳофаза этмоғи, уни тақомиллаштириши, қонунга риоя этиш жараёнларини тўла назорат қилиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англаб ҳаёт кечириши мақсада мувофиқдир.

Қонун устувор бўлган давлатнинг келажаги порлоқ, одамлари қомилликка йўрилган бўлади.

Сўзимизни донолардан бирининг фикри билан ақунлаймиз. Унинг таъбирича: Қонунга хилоф ҳаракат ҳеч кимнинг обрўини оширмайди ва ўзига ҳурмат ҳам уйғотолмайди.

**Huquq**  
yuridik gazeta  
**Muassis:**  
**O'zbekiston**  
**Respublikasi**  
**Bosh**  
**prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**  
**Tahrir hay'ati:**  
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,  
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupbov GO'POV,  
Svetlana ORTIQOVA,  
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53.  
**Faks:** 233-64-85, 233-10-53.  
**E-mail:** info@huquq-gazeta.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko' chib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. □ — tijorat materiali. Reklama materiallarining mazmunini uchun tahririyat javobgar emas.

**Buyurtma j-1536. 32 385 nusxada bosildi.**  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
**Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA**  
**Musahhib: M.QAMBAROV**  
**Navbatchi: O' .DEHQONOV**  
**Sotuvda**  
**kelishilgan narxda**

**Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etiladi.**  
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 9